

الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء الرابع عشر)

تأليف:

أنور أحد

«Хикматлар – саодатга етаклар»

(Ўн тўртинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Ахмад

Тошкент:
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илохий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсулни эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқириликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидаги таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи кўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батахқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласи.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зоро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқишиш бошқа халқларга қараганда анча юқори

даражада турди. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Ахмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни түплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишилардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Кўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сұхбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи ҳалқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- 1) نَفْسِكَ
- 2) كَلَامُ مِنَ الْقَلْبِ
- 3) حَدِّ الْحِكْمَةِ
- 4) بَسْطَانُ الْحِكْمَاءِ
- 5) ثَقَافَةُ حَوْلِ الْعَالَمِ
- 6) الْمُوسَوْعَةُ بِوَكِ
- 7) ثَقَافَةُ وِعْلُومٍ
- 8) حِكْمَةُ الْيَوْمِ
- 9) طَرِيقُ الْجَنَّةِ
- 10) أَقْوَالُ أَعْجَبَتِي
- 11) كَنْوَزُ مِنَ الْحِكْمَةِ

- (12) ذكر الله
(13) عذب الكلام
(14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хуроса шаклида таржима қиласидиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оиласвий баҳт-саодат, сўнмас гайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» الحكم - تقويد إلى السعادة китобининг кейинги кисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юкорироқ савияда тақдим этиб боришлирида Ўзи мададкор бўлсин.



2892. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга отлансалар, уловларига ўрнашиб олганларидан кейин уч марта такбир айтиб, сўнг қуидаги дуони ўқирдилар: «Субҳаанاللазий саххоро ланаа ҳааза, ва маа қуннаа лаху мукринийн, ва иннаа илаа роббинаа ламунқолибуун. Аллоҳумма, иннаа насъалука фий сафаринаа ҳааза ал-бирро ват-тақва ва минал ъамали маа тардо! Аллоҳумма, ҳаввин ъалайнаа сафарона ҳааза ватви ъанна буъдах! Аллоҳумма, антас-соҳибу фиссафари валхолийфату фил аҳли. Аллоҳумма, инний аъзуузы бика мин ваъсоис-сафари ва қаобатил манзари ва су‘ъил мунқолаби фил маали вал аҳли» («Бизларга буни (маркабни) бўйсундириб қўйган Зот покдир, биз ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Ва албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз. Аллоҳум, Сендан бу сафаримизда яшилилк, тақво ҳамда Ўзинг рози бўладиган амал сўраймиз. Аллоҳум, бу сафаримизни енгил қилиб, узогимизни яқин қилгин. Аллоҳум, сафардаги йўлдоши ҳам, уйимизда қолувчи ўринбосар ҳам Ўзингсан. Аллоҳум, Сендан сафар машаққатларидан, маҳзунлик манзарасидан, мол-мулк ва оиласа етадиган зиён-заҳматлардан паноҳ бериишингни сўрайман»).

Сафардан қайтгандарига ҳам юқоридаги дуони айтиб, сўнг қуидагиларни қўшимча қилардилар: «Аайибууна, тоибууна, ъаабидууна, лироббинаа ҳаамидуун» («(Аллоҳга) қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз ва Роббимизга ҳамд айтuvчилармиз»).

И мом Муслим ривояти.

Абу Довуд ривоятларида эса: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг аскарлари баландликка кўтарилаётганда такбир, пастликка тушаётганда тасбех айтишар эди» деб қўшимча қилинган.

Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар қилсалар, сафар машаққатидан, ғам-ташвиш етишидан, зиёдалиқдан ноқисликка қайтишдан, мазлумнинг дуосидан, мол-мулк ва оиласа етадиган ёмонликлардан паноҳ тилардилар».

Имом Муслим ривояти.



2893. Тинчлик-хотиржамлик истасанг, иккисидан бирини танла: ё ёш болани ўйнатиб ўтири, ё ёши улуғ инсон билан суҳбат қил, чунки биринчиси дунё ҳақида ҳеч нарсани билмайди, иккинчиси эса дунёдан керагини яшаб бўлган.

أَكْبَرُ عَلَامَاتِ حَسْنِ الظَّنِ بِاللهِ اسْتَمْرِارُكَ بِالدُّعَاءِ وَلَوْ تَأْخُرَتِ الْجَاهَةِ

2894. Аллоҳ ҳақида яхши гумонда бўлишнинг энг катта аломати – ижобат қилиниши кечикса ҳам дуода бардавом бўлишдир.



2895. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхұмога: «Гапирсанг, қисқа сўзла, хоҳлаганингни етказган бўлсанг, бас, энди чиранма», дедилар.

«Унваанул байан» китобидан.



2896. Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга отлансалар, шундай дер эдилар: «**Аллоҳумма، антас-соҳибу фис-сафар، вал холийфату фил аҳл!** Аллоҳумма, инний аъуузу бика мин ваъсоис-сафари ва каобатил мунқолаби ва минал ҳаври баъдал кавни ва мин даъватил мазлumi ва мин суу‘ил манзари фил аҳли вал маал» («Аллоҳим, сафардаги йўлдоши ҳам, хонадонда қолувчи ўринбосар ҳам Ўзингсан. Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатидан, хафалик етишиидан, зиёдалиқдан ноқисликка қайтишидан, мазлумнинг дуосидан, мол-мулк ва оиласидан ёмон манзарадан паноҳ тилайман»)

Термизий, Насаий, Ибн Можсалар ривояти.



2897. Фам-ташвишинг ҳар қанча чўзилмасин, ноумид бўлма!

Күшойиш она қорнидаги эмбрионга ўхшайды: бола ҳам муддатидан олдин туғилса, майиб бўлиб, нобуд бўлади.

Қўявер, күшойиш ўз вақтида, мукаммал ҳолда кела қолсин! Бу нарса қийинчиликдан кейин осонликка эришишингни исботлайди.

Роббим, Ўзинг осон қил!

Ҳамма меванинг ўз пишар вақти бор,

Етилар чогига берилган муддат -

Ғамим чўзилди, деб куйинма, у ҳам

Пишганда узилар шохидан албат.



2898. Ҳасан Басрийдан «Бир қавмлар араб тилини ўрганишяпти, бу ҳақда нима дейсиз?» деб сўрашди. У киши: «Бу жуда гўзал иш бўлади, чунки улар пайғамбарларининг тилини ўрганишяпти», дедилар.



2899. Инсоннинг бошига бирор иш тушса, Аллоҳ унга бардош бериш учун тоқат ҳам бериб қўяди.

«Роббимиз! Бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин!» ояти* хақида дақиқ тафаккур:

Бахтсизликдан кейин баҳтиёр ҳаёт, кўз ёшидан кейин табассум, бу дунёдан кейин жаннат бўлишига ишонганинг жуда улкан ибодатдир. Бу улкан ибодат – Аллоҳ ҳақида яхши гумонда бўлишингдир.

* Бақара, сураси, 286-оят.



2900. Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муозга шундай дедилар: «Сүкут сақласанг, саломат бўласан. Гапирсанг, гапинг ё фойдангга, ё зарарингга бўлади».

«Унваанул байан» китобидан.



2901. Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Умматим маркабга (оловга) мингандада «Бисмиллаахи мајроҳа ва мурсааха, инна Роббий лағоффурр-роҳийм» («Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми биландир. Албатта, Роббим мағфиратлидир, меҳрибондир») ва «Ва маа қодаруллоҳа хаққо қодрихи» («Улар Аллоҳни тўзри таний олмадилар») деса, ғарқ бўлишдан омонда бўлади».

Ибн Сунний ривояти.



2902. Жума кунидаги 14 барқарор суннат:

- ғусл қилиш.
- хушбўй сепиб, безаниш.
- мисвок ишлатиш.
- энг яхши либосларини кийиш.
- масжидга барвақт бориш.
- масжидга пиёда бориш (ҳар қадам учун савоб умидида).
- масжидда бошқаларни сиқиб қўймаслик, одамларнинг елкасидан ошиб ўтиб, озор бермаслик.
- таҳийатул масжид намозини ўқиши.
- имомга қараб, уни тинглаб ўтириш.
- хутба пайтида жим туриш.
- садақани кўпайтириш.
- Каҳф сурасини ўқиши.
- дуо ижобат бўладиган фурсатни қидириш.
- Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп салавот айтиш.



2903. Фазаб келганида ўзини тута олиш нажот топишнинг энг улкан воситалариданdir. Инсон шу йўл билан динини ҳам, жисмини ҳам муҳофаза қилади.



2904. Ҳаё фақат бошнинг эгилиши-ю, юзнинг қизариши эмас. Ҳақиқий ҳаё – Аллоҳ сени ман қилинган нарсалар устида топмаслигидир.



2905.

Аллоҳнинг буюк бир ризолиги-чун
Сўйланган ростгўйлик инсонга баҳтдир.
Аллоҳ қолиб, ҳакир бандалар учун
Ёлғонлар сўйлаган жуда бебахтдир!
«Унваанул байан» китобидан.



2906. Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам ҳаж ёки умрадан (Бир ровий: «Газот деганларини биламан, холос», деган) қайтадиган бўлиб, тепалик ёки сахрова бирор тепаликка кўтарилсалар, уч марта такбир айтиб, сўнгра шундай дер эдилар: «Лаа илааха إلَّا اللَّهُ، وَلَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْحَمْدُ، وَلَهُ الْحَكْمُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ». آйюн عابدون. ساجدون لرниа حامدون. صدق الله وعدده. ونصر عباده. وهزم الأحزاب وحدة

ва ҳазамал ахзааба ваҳдаҳ» («Ёлғиз Аллоҳдан бошиқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк Уникидир. Ҳамд ҳам Унга хосдир. У ҳар бир нарсага қодирдир. (Аллоҳга) қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз ва Роббимизга ҳамд айтuvчилармиз. Аллоҳ ваъдасининг устидан чиқди, бандасига нусрат бериб, аҳзобларни (гуруҳларни) якка Ўзи енгди)

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.



2907. Суфён ибн Уайна: «Ғийбат қарздан ҳам оғирдир. Қарзни узиш мумкин, аммо ғийбатни узиб бўлмайди», дедилар.



2908. Намозни яхшилаб ўқимаймиз, ғийбату чақимчиликни енгил санаймиз, ота-онага яхшилик қилишда камчиликка йўл қўянимиз-да, кейин яна: «Ҳаётда нима учун тойилдим-а?» деб ҳайрон бўламиш.



2909. **Савол:** Отаси вафот этган кишини нима деб атаймиз? Онаси вафот этган кишини нима деб атаймиз? Икковини ҳам йўқотган кишини нима деб атаймиз?

Жавоб: Отасиз қолган болани «етим» деймиз. Онасидан айрилган болани «ъажий» деймиз. Икковини ҳам йўқотган болани «латийм» деймиз. Бола балоғат ёшига етгунча шундай номланади. Бола шаръий балоғат ёшига етгач, буни бу номлар билан атамаймиз.



2910. Ёлғончи эканингни билганинг ёлғонингни койишинг учун кифоя қилади.

«Унваанул байан» китобидан.



2911. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бирор **водийда** **тепаликка** кўтарилсак, таҳлил ва такбир айтардик. Шунда овозимизни баланд қилиб кўтарар эдик. Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Хой инсонлар, мулойим бўлинглар. Сизлар кар ёки бу ерда йўқ бўлган Зотга дуо қилмаяпсизлар. У Зот сизлар билан биргадир. У эшитувчи, яқинда турувчи Зотdir».

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.

И мом Термизий қилган ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Аллоҳга тақво қилинглар, ҳар қандай тепаликка кўтарилигданда такбир айтинглар**».

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор баландроқ ерга кўтарилисалар, «**Аллоҳумма, лакаш-шарафу ъалаа кулли шараф, ва лакал ҳамду ъалаа кулли ҳаал**» («Ҳар баландликда Сени улуғлаши, ҳар ҳолатда Сенга ҳамд бор») дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



2912. Садака факат мол-мулк бериш билан бўлавермайди. Масалан, табассум ҳам садақа, ширин сўз ҳам садақа, овқат тайёрлаш ҳам садақа, мусулмонларга ғойибдан туриб дуо қилиш ҳам садақадир. Нақадар буюк дин!



2913. Бир киши Суфён Саврийга: «Менга насиҳат қилинг» деди. У зот: «Дунёда қанча бўлсанг, унинг учун ўшанчалик харакат қил. Охират учун эса унда қанча қоладиган бўлсанг, шунчалик харакат қил!» дедилар.



د احمد عیسی المعصراوي

بَكَ رَجُلٌ فِي جَنَازَةِ أَمِّهِ ،
فَقَيلَ لَهُ : وَمَا يَبْكِيكِ ؟
قَالَ : وَلَمْ لَا أَبْكِي
وَقَدْ أَغْلَقَ بَابَ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ !

رَبَّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا

2914. Бир киши онасининг жанозасида йиғлади. «Нима учун йиғлаяпсан?» дейишган эди, «Нима учун йиғламай, ахир мен учун жаннат эшикларидан бири ёпилди-ку?» деди.

«Роббим, улар мени гүдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин!» (Исрө сураси, 24-оят).



2915. Али розияллоҳу анху дедилар:
«Эр киши дўппининг остига эмас, тилининг остига яширинади»
Дўпти иссиқдан, совуқдан сақлаши мумкин, аммо тилни тийши ундан ҳам каттароқ балолардан сақлайди).
«Ўнваанул байан» китобидан.



2916. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирингизнинг улови чўлда бўшалиб, қочиб кетса, «Йаа ъибаадаллоҳ, аҳбисуу! Йаа ъибаадаллоҳ, аҳбисуу» (эй Аллоҳнинг бандалари, ушланглар) десин, чунки ерда Аллоҳнинг тўсувчилари бор, ўшалар уни ушлаб беришади».

Ибн Сунний ривояти.

Улуғ шайхларимиздан бирининг менга ҳикоя қилишича, бир куни у зотнинг хачири қочиб кетибди. У зот бу ҳадисни билар эканлар, ўша сўзни айтган эканлар, ўша заҳоти Аллоҳ таоло уни ушлаб берибди.

Мен ҳам бир жамоа билан кетаётган эдим. Улардан бирининг улови қочиб кетди. Уни тута олишмагач, мен ана шу дуони ўқидим. Шу дуоим сабабли ҳалиги жонивор ўша заҳоти тўхтаб қолди.



2917. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

Ким мол-дунёнинг озига тўймаса, жамғарган нарсаси кўп бўлса ҳам уни бой (бехожат) қила олмайди.



د أحمد عيسى المعصراوي

حياة المؤمن لا تكون إلا بالإبتلاء ؛ ولا
يكون للإبتلاء
لذة إلا بالصبر !
ولا يكون الصبر تاماً إلا بالرضى .. ؛
وهنا البشرى ؛ ... " وبشر الصابرين

2918. Мўминнинг ҳаёти бало ва офатсиз бўлмайди. Бу бало ва офатлар эса сабр билан лаззатли бўлади. Бу сабр розилик билан мукаммал бўлади. Хушхабар мана шу ерда бўлади. «Сабр қилувчиларга хушхабар беринг!»



2919. Зуннун Мисрий айтдилар:
«Овқатга тұла қорында ҳикмат барқарор турмайды».



2920. Тили шириннинг оғайнилари кўп бўлади. Қадрини билган одам ҳалокатга юз тутмайди. Ҳар бир инсоннинг қиймати униг гўзал адо этган иши билан белгиланади. Ким ўзини таниса, Яратувчисини танийди. Бахилга бир куни албатта ўлишининг, ортидан қолган мол-дунёсига эса кимдир меросхўр бўлиб қолишининг «хушхабар»ини бер.

«Унваанул байан» китобидан




2921. Машхур тобеъинлардан Абу Абдуллоҳ Юнус ибн Убайд ибн Динор ал-Басрий айтдилар:

«Киши асов уловнинг қулоғига «А фагойро дийниллаҳи йабгуун? Ва лаҳу аслама ман фис-самааваати вал арди товъян ва карҳан ва илайхи йуржыуун!»* деса, у Аллоҳнинг изни билан тўхтаб қолади».

Ибн Сунний ривояти.

* Оли Имрон сураси, 83-оят: «Аллоҳнинг динидан бошқани истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга ихтиёриими, мажбуриими, бўйсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Үнга қайтариладилар-ку!!!»



2922. Оталар икки хил бўлади:

1. Тарбия экувчи оталар. Улар ҳар куни тарбия ёки ахлоқ асосларини фарзандларига уқтириб борадилар. Улар фарзандларининг хато қилишини кутиб ўтирасдан тўғри йўлга соладилар. Бундай оталар кам, аммо уларнинг таъсири кўпdir.

2. Ахлоқ тузатувчи оталар. Улар хато содир бўлгунча юраверадилар, фарзандлари хато қилгандан кейингина ахволни тўғрилайдилар. Улар жуда кўп, лекин таъсирлари оз.

Сен тарбия экувчи оталардан бўл, хатодан кейин уни тўғриловчи оталардан бўлма!



2923. Яхшиликка йўйишнинг чўққиси будир:

«Хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан биргадир» (*Тавба сураси, 40-оят*).

Яхши гумон қилишнинг чўққиси будир:

«Шоядки Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса» (*Юсуф сураси, 83-оят*).

(Яъқуб алаиҳиссалом бу гапни Юсуф алаиҳиссаломни йўқотган кунларида ҳам айтган эдилар. Йиллар ўтиб, кичик ўғилни йўқотган кунларида ҳам шу гапни тақрорладилар, сўнг Аллоҳ таолонинг марҳаматидан умид узмаганларини билдириб қўйдилар)

Розилик мақомининг чўққиси будир:

«Роббим, мени ҳақиқий зарар тутди. Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисисан!» (*Анбиё сураси, 83-оят*).



2924. Солиҳлардан бири айтди:

Оламдаги мол-дунёнинг барчаси оздир, ундан қолгани ҳам оздир. Сен учун қолгани ундан ҳам оздир. Озгинангдан қолгани ундан ҳам оздир. Сен хозир овунчоқ диёрдасан, эртага жазо диёрида бўласан. Жонингни қутқариб қол, шоят нажот топсанг.



2925. Интиқомга шошиш улуғларнинг иши эмас. Сен кичикларга раҳм қилсанг, катталар сенга раҳм қилади. Қўл остингдагиларга яхшилик қилсанг, сен қўлининг остида бўлганлар ҳам сенга яхшилик килишади.

«Унваанул байан» китобидан.




2926. Сухайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор қишлоқни қўриб қолиб, унга кирмоқчи бўлсалар, шундай дер эдилар: «Аллоҳумма, Роббас-

самааваатис-сабъи ва маа адлална! Вал ардийнас-сабъи ва маа ақлална, ва Роббиш-шайяатийни ва маа азлална ва Роббар-рийааҳи ва маа заройна! Асьалука хойро ҳаазиҳил қориати ва хойро аҳлиҳа ва хойро маа фийҳа, ва наъузу бика мин шарриҳа ва шарри аҳлиҳа ва шарри маа фийҳа» («Аллоҳум, эй етти осмон ва уни соялантирадиган нарсаларнинг Робби! Етти ер ва у кўтариб турган нарсаларнинг Робби, шайтон ва у адаштирган нарсаларнинг Робби, шамол ва у учирган нарсаларнинг Робби! Аллоҳум, бу қишлоқнинг яхшилигини, аҳлининг яхшилигини ва ундаги яхшиликларни сўрайман. Аллоҳум, бу қишлоқнинг ёмонлигидан, аҳлининг ёмонлигидан ва ундаги ёмонликлардан Сенинг паноҳингни тилайман»)

Насаий ва Ибн Сунний ривояти.



2927. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ мол-дунёни яхши кўрганига ҳам, яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Иймонни эса фақат яхши кўрганига беради», деганлар.

Имом Аҳмад «Муснад»ларида ривоят қилдилар.



علي الطنطاوي



يحسب الإنسان أنه كلما زاد ماله واتسع
اطلاعه وعلت منزلته كبرت سعادته،
ويinsi أن السعادة هي قصر المسافة بين
ما تجده وما تتمناه.

2928. Инсон «Молу дунём кўпайиб, илмим ошса, мартабам юқориласа, баҳт-саодатим ҳам юксалади», деб ўйлади. Аслида қўлга киритадиган нарсаси билан орзу қилган нарсаси орасидаги масофа ўта қисқаргандагина баҳтли бўлишини унугдайди.



2929. Аллоҳга қасамки, баъзан бандада ўзи қилаётган амални қандай ниятда қилаётганини билмайди. Шундай экан, бирорларнинг ниятини билишга йўл бўлсин!



2930. Бирорнинг озорига бардош бериш хулқнинг улуғлигидандир. Ахлоқи ёмон кимсадан узоқлашган яхши.


«Ўнваанул байан» китобидан



2931. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор ерга ташриф буюриб, у ерга кирмоқчи бўлсалар, шундай дер эдилар: «**Аллоҳумма, инний асьалука мин хойри хаазиҳи ва хойри мaa жамаъта фийҳа, ва аъуузу бика мин шарриҳа ва шарри мaa жамаъта фийҳаа. Аллоҳуммарзуқнаа ҳайаҳа, ва аъизна мин вабаҳа, ва ҳаббибаа илаа аҳлиҳа ва ҳаббиб солиҳий аҳлиҳаа илайна»** («Аллоҳум, Сендан бунинг (бу манзилнинг) яшилигини ва унда жамлаган нарсаларингнинг яшилигини сўрайман. Аллоҳум, Сендан бунинг (бу манзилнинг) ёмонлиги ва унда жамлаган нарсаларингнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Аллоҳум, ундаги ҳаёдан бизга ҳам насиб қил, вабосидан бизга паноҳ бер! Бизни бу жойнинг аҳлига дўст айла, бу жойнинг солиҳ аҳлларини эса бизга дўст айла!»)

Ибн Сунний ривояти.



2932. Ҳакимларнинг биридан: «Ҳикматни кимдан ўргандингиз?» деб сўрашди. У зот: «Кўзи ожиз одамдан ўргандим, чунки у йўлни ҳассаси билан текширганидан кейингина оёғини ерга қўяди», деди.



2933. Солиҳ салафларнинг биридан: «Яхшилик қилган кишиларингиз ўша яхшиликларингизни инкор қилса ғазабингиз келмайдими?» деб сўрашди. У киши: «Мени хафа қилишларини кутиб ўтирумайман. **«Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади»**, деган оят менга кифоя қиласди», деди.



2934. «Дунё айланувчи чархпалак», дейдилар. «Қайтар дунё», дейдилар. Хоҳ яхшилик бўлсин, хоҳ ёмонлик бўлсин, албатта қайтади. Демак, ўзингга нима қайтишини истасанг, ўшани қил.



2935. Дўстларни азиз тутсанг, дўстлик янгиланиб туради. Яхшиликка шукр қил, шунда яхшиликка муносиб бўласан.

«Унваанул байан» китобидан



2936. Таомнинг ози баданнинг роҳати, гуноҳларнинг ози нафснинг роҳати, эътиборнинг ози қалбнинг роҳати, камгаплик эса тилнинг роҳатидир.



2937. Садақа қилувчи берган садақаси ҳали камбағалнинг қўлига етиб бормай туриб Аллохнинг хузурига етиб боришини билса эди, беришнинг лаззати олишнинг лаззатидан устунроқлигини ҳис қилган бўлар эди.



2938. Бир ҳаким зотдан: «Одамни нима қаритади?» деб сўрашди. У зот: «Газаб, ҳasad ва ғам-ғусса», деб жавоб берди.



2939. Лукмангни шайтонга қолдирма!

«Бирортангизнинг луқмаси ерга тушиб кетса, ундаги зиён берувчи нарсани олиб ташласин-да, сўнгра еяверсин, шайтонга (насиба) қолдирмасин».

И мом Муслим ривояти.



2940. Қайта-қайта узр сўрайвериш гуноҳни қайта-қайта эслатишидир. Бир одамга ҳамманинг олдида насиҳат қилиш уни сўкишдир. Ақл мукаммал бўлса, гап қисқа бўлади. Ҳимоячи – сўровчининг қанотидир. Жазавага тушиб, «додвой» солиш сабр қилишдан кўра кўпроқ толиктиради. Душманнинг энг каттаси хийласи маҳфийроғидир. Ўзига керак бўлмаган нарсани талаб қилган одам ўзига керакли нарсани бой беради. Фийбат тинглаган одам икки ғийбатчининг биридир.

«Унваанул байан» китобидан.



2941. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят килинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар бирор қавмдан қўрқсалар,
 «Аллоҳумма، иннаа ناجъالوك فий نухуوريҳим، ва ناъуuzu بика мин
 шуруوريҳим» («Аллоҳум، биз уларга Сени рӯбарў қўямиз ва уларнинг
 ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилаймиз») дер эдилар.
Абу Довуд ва бошқалар ривояти.



2942.
 Айб ўзимизда, бироқ замонамизни айблаймиз.
 Замонамизниң эса биздан бошқа айби йўқ.
Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ



د. أحمد عيسى المعصراوى

أحسن تصرفاتك فأنت مراقب من أطفالك فعلت
خير فعلوا
فعلت شر فعلوا
كن قدوة لهم

2943. Фарзанд кўриб турган пайтда чиройли тасаррүфлар қил. Сен яхшилик қилсанг, улар ҳам яхшилик қилишади. Сен ёмонлик қилсанг, улар ҳам ёмонлик қилишади. Уларга намунали йўлбошли бўл!



2944. Инсон учун энг оғир иш – йўлнинг ниҳоясида хато йўлда эканини билиб қолишидир.



2945. Ким гапираётганига эмас, нимани гапираётганига қара. Интиқом билан бошқарув йўқ, маслаҳатсиз тўғрилик йўқ, ёлғончи учун одамийлик йўқ. Дўстларингга ёмонлик етказадиган нарсани тилингга келтирма.

«Унваанул байан» китобидан.



2946. Ҳавла бинт Ҳаким розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Кимки бир манзилга тушиб, «Аъуузу бикалимаатиллаахит-таамма мин шарри маа холақ» («Аллоҳимнинг том қалималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман») деса, то бошқа манзилга кўчгунича унга ҳеч нарса зарар етказмайди».

Имом Муслим, Имом Молик ва Термизийлар ривояти.




د احمد عيسى المعصراوى

كلما رأيت مريضاً ادع له بالشفاء ..
كلما رأيت أحدهم حزيناً ادع له
بالسعادة ..

ادع من لا تعرف أيضا !!

يكفيك قول الملائكة : و لك بالمثل

2947. Бир беморни кўрсанг, ҳаққига шифо сўраб дуо қил. Ғамгин кишини кўрсанг, ҳаққига баҳт сўраб дуо қил. Ўзинг танимаган кишининг ҳаққига ҳам дуо қиласвер. Ахир фаришталар (биродарингнинг ҳаққига дуо қилганингда) «Сўраганинг ўзингга ҳам бўлсин», дейишлари кифоя қиласди-ку!



2948. Ҳозирги замон олимларининг тадқиқотларига кўра, АҚШда 30 миллион америкалик тушкун кайфиятида яшайди. Бунинг асосий сабаби ноумидликдир. Биз баралла айта оламизки, мусулмонлар тушкунлик, ғамгинлик ва ноумидликдан йироқ кишилардир. Қуръон оятлари ҳақида фикр юритсак, келажакка умид, Аллоҳнинг раҳмати билан шод бўлиш ҳолатларини топамиз.

Қуръони каримнинг кўпгина оятлари мўминларни ғамгинликдан, ноумидликдан қайтаради. Яъкуб алайҳиссалом узоқ йиллар фарзандларидан айрилиқда қолганларида ҳам Аллоҳдан умид узмадилар, аксинча, ноумид бўлган киши Аллоҳга кофир бўлиб қолади, дедилар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

«Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар» (Юсуф сураси, 87-оят).



2949. Аллоҳ кимнинг қалбини ёпиб қўйса, уни ҳеч ким оча олмайди.



2950. Ёмон гапдан тилингни тийганингдек, қулоғингни ҳам ёмон гап эшитишдан сакла, чунки ёмон сўзга қулоқ солсанг, ёмонликни сўзловчига шерик бўласан. Шундай экан, огоҳ бўл!

«Унваанул байан» китобидан.



2951. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқсалар, шу куни кечаси шундай дер эдилар: «Йаа арду! Роббий ва Роббукиллаах! Аъуузу биллаахи мин шаррики ва шарри маа фийк, ва шарри маа хулиқо фийк, ва шарри маа йадиббу ъалайк. Аъуузу бика мин асадин ва асвад, ва минал ҳайяти вал ъакроб, ва мин саакинил балади ва мин ваалидин ва маа валад» («Эй Ер! Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббинг Аллоҳдир. Аллоҳнинг номи билан сенинг ёмонлигиндан, сендағи ёмонликдан, сенда яратилган ёмонликдан, сенда судралиб юрадиганларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Ва яна шердан, ёмонлардан, илондан, чаёндан, ерда яшовчи жинлардан, иблис ҳамда шайтондан паноҳ тилайман»)

Абу Довуд ривояти.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизларга жин ёки шайтон бирор суратда кўринса, аzon айтинглар», деганлар.

Ибн Сунний ривояти.

Мақсад – унинг ёмонлигини аzon айтиш билан даф этишdir, чунки шайтон аzon овозини эшигтүдек бўлса, орқасига қараб кочади. Биз бунга ўхшаш зикрларни «Фавқулодда ҳолатларда қилинадиган дуо ва зикрлар китоби»нинг аввалида зикр этганмиз. Бу ҳолат яна юзага келса, жин ва шайтонларни даф этишга тааллуқли Куръон оятларини ўқиш керак бўлади.



2952. Дунё ғамини күтариб олма, чунки у Аллоҳнинг измидадир.
Ризқ ғамини ҳам күтариб олма, чунки у ҳам Аллоҳдандир.
Келажак ғамини юклаб олма, чунки у ҳам Аллоҳнинг измидадир.
Фақат бир ғамни, яъни қандай қилиб Аллоҳ розилигини топиш ғамини күтаргин!

فَائِدَة

**يَنْبَغِي عَلَى الْمُسْلِمِ إِذَا تَصَدَّقَ عَلَى فَقِيرٍ
أَلَا يَقُولُ لَهُ : ادْعُ لِي ..**

(من طلب من الفقراء الدعاء أو الثناء خرج من هذه الآية)
(إنما نطعمكم لوجه الله لا نريد منكم جزاء ولا شكورا)
ولهذا كانت عائشة إذا أرسلت إلى قوم بهدية تقول للمرسول :
اسمع ما دعوا به لنا : حتى تدعوا لهم بمثل ما دعوا
ويبقى أجرنا على الله

اشتركوا معنا في صفحتنا على الطريق إلى الله
www.facebook.com/hafim9988

2953. Мусулмон киши камбағалга хайр-эҳсон ва садақа тортиқ қилса, «Ҳаққимга дуо қилинг», демаслиги керак, чунки камбағалдан дуо ёки мақтов талаб қилган одам ушбу оятнинг ҳукмидан ташқарига чиқиб кетади:

«Биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз. Бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки ташуккур хоҳламасмиз» (*Инсон сураси, 9-оят*).

Шунинг учун Оиша розияллоху анҳо бирор қавмга ҳадя юборсалар, олиб борувчи кишига: «Бизнинг ҳаққимизга қилаётган дуосига қарагин, токи биз ҳам унинг дуоси каби дуо қилайлик, шунда ажримиз Аллоҳга қолади», дер эдилар.

عبدالعزيز الطريفي

من سأّل الله دنيا فليُقدّم قبل دعائه استغفارا
 وتوبية فالذنوب تمنع الإجابة أو تؤخرها
 فسليمان استغفر ربه قبل سؤاله الملاك
 (رب اغفر لي وهب لي ملكا)

2954. Ким Аллоҳдан мол-дунё сўраса, дуодан олдин истиғфор айтиб, гуноҳларига тавба қилиб олсин, чунки гуноҳлар дуонинг ижобат бўлишини тўсади ёки кечиктиради. Масалан, Сулаймон алайхиссалом мулк сўрашдан олдин мағфират сўраганлар:

«Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин хеч кимга мұяссар бўлмайдиган мулк ҳадя этгин» (*Сод сураси, 35-оят*).



2955. Фам-қайгудан эзилган табиатингга дам бер, роҳат олсин. Уни бироз ҳазил-хузул билан овунтир. Лекин ҳазилга йўл очар экансан, ҳазилинг таомга қўшилган туз миқдорича бўлсин.

«Унваанул байан» китобидан.



2956. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толҳа билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлиқдик. София розияллоҳу анҳо у зотнинг туяларида минганишиб кетаётган эдилар. Мадина кираверишига етиб келганимизда «Аайибуунаа, тааибуунаа, ъаабидуунаа, лироббинаа хаамидуун» («(Аллоҳга) қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз ва Роббимизга ҳамд айтутувчилармиз») деб тўхтамай айта бошладилар. Шу ҳолда Мадинага кириб келдик».

И мом Муслим ривояти.



2957. Балога гирифтор бўлган кишига кутилмаган томондан кушойиш келиши энг гўзал нарсадир. Ҳожар онамизга замзам сувини чиқарган Зотдан ўзимга ҳам, сизларга ҳам ортидан баҳтсизлик келмайдиган кушойиш ва саодат сўраб қоламан.



2958. «(Зулайхо) эшикларни беркитиб, «Бу ёққа кел!» деди. (Юсуф алайхиссалом) «Аллоҳ сақласин!» деди» (Юсуф сураси, 23-оят).

Шу ҳолат телевизорда, мониторда ёки телефон жиҳозларида тақрорланганда ҳам «Аллоҳ сақласин!» деб кўзимизни юма оламизми?



2959. Ички дунёнинг соғ бўлса, Аллоҳ кутмаган томонингдан нур ато қиласди. Шунда одамлар ҳам ўзинг билмаган томондан сени яхши кўриб қолади. Истаган нарсаларинг ҳам ўзинг билмаган томондан кела бошлайди.

Одам ажратмасдан, ҳаммага бирдай яхшилик қилган инсон чинакам покиза ният соҳибидир. Бошқаларни баҳтли қилиш билан сенинг баҳтинг камайиб қолмайди. Уларни ҳожатини чиқариш билан сенинг ризқинг камайиб қолмайди. Уларнинг саломат бўлиши сенинг оғиятингни суғуриб олмайди.

Факат пок ниятли бўлсанг кифоя...



2960. Кимки озод, олижаноб инсонларни ўзидан қочирса, улар хам ундей кимса билан улфат бўлиб яшашдан ўзларини четга тортишади. Кимки сирларини яширса, ўз роҳати билан эркин қолади.

«Унваанул байан» китобидан.

اللهم أصلح لي ديني الذي جعلته عصمة أمري، اللهم
أصلح لي ذرياتي التي جعلت فيها معايشي، اللهم أصلح لي
آخرتي التي جعلت إليها مرجعي، اللهم أغود برضاك من
شحطك، اللهم أغود بك، لا شانع لمن أغطست، ولا مغطي
لما منعت، ولا ينفع ذا الحدّ مثلك الحمد

www.arabic.uz

2961. Муқим инсон бомдод намозидан кейин айтадиган зикрларни айтиш ва шу билан бирга қуидаги зикрларни хам адо этиш мусофирига хам мустахабдир.

Абу Барза розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ бомдод намозини ўқисалар, саҳобалар эшитадиган қилиб, «Аллоҳумма, аслиҳ лий дийний аллазий

жаъалтаху ъисмата амрий! Аллоҳумма, аслих лий дунйаайаллатий жаъалта фийҳаа маъаший» («Аллоҳим, ишларимнинг покловчиси бўлган динимни ислоҳ қилгин! Аллоҳим, яшаётган дунёимни ислоҳ қилгин!») деб уч марта, **«Аллоҳумма, аслих лий аахиротиллатий жаъалта илайҳа маржиъий»** («Аллоҳим, қайтар жсойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин!») деб уч марта, **«Аллоҳумма, аъузу биридока мин сухтик! Аллоҳумма, аъузу бика»** (Аллоҳим, Сенинг розилигинг ила газабингдан паноҳ тилайман! Аллоҳим, Сенинг номинг ила паноҳ тилайман!) деб уч марта, **«Лаа мааниъа лимаа аътойт, ва лаа мұтийа лимаа манаъта, ва лаа йанғафы зал жадди минкал жадд»** (Сен берганин түсувчи йўқ. Сен тўсганни берувчи йўқ. Буюклик Сендаидир, бошқанинг буюклиги фойда бермас) деб айтардилар (Ровий: «Буни сафарда айтганларини биламан, холос», деган).

Ибн Сунний ривояти.




2962. **«Огох бўлингизким, қалблар Аллоҳни зикр қилиш ила ором олур»** (*Раъд сураси, 28-оят*)

Қалбда зулмғт бўлса, зикр ила нурафшон бўлур.

Қалбда тошбағирлик бўлса, зикр ила мулойимлашур.

Қалбда ғафлат бўлса, зикр ила ҳушёр бўлур.

Қалб ёлғиз бўлса, зикр унга ҳамроҳ бўлур.



бактерия хатарлык болуп үйедеسلامتىنىنىسى وىستىدە ئىلەن يېلىنى وىسىب
كىتىرىيەن ئامرازىش، وىهدە ئەجازىب و دراسات مۇرىقىت ئوپىلىت ئوپىلى ئەلمەدە ئى ئەقىرىتە
مۇرىقىتەتى قول يان ئەسىل ئەيدىي باشقۇرامىدە مەرات ئەكل بىرم يەسەم ئە ئەۋاپتە من
مەھىم ئەلكەتە با ئەلەرقەـ... وىسيخان ئەلەدىنى ئەرخ ئەلەن ئەندە ئەنەن مەرات ئەكل
بىرم، وىدە ئەحەختەن على صىختتەتى يقول ئەعماىى: (يَا أَيُّهُ الَّذِينَ آتَيْنَا إِيمَانًا فَلَمْ يَنْ
عْلَمُوا فَأَنْسَلُوا وَجْهَهُمْ وَأَبْرَكُمْ إِلَى ئَلَّا يَرَوْهُ وَأَسْبَسُوا بِرْمُوسَكَمْ وَأَرْجَنَكَمْ
(إِلَى الْعَصْرِ) اللائىقَةَ، كە ئەلەندە و ئەنەن ئەيدىي باشقۇرامى ئەزىزىل هەذە ئەجرايىم
ويېلى ئەنسان من ئامرازىش ئەمىدە، و الخطيرە، ئالحمد لەلە ئەمە ئەسلام.

أمساك لإعداد الماء في الفراز، واسعة... سرقة مياه سبع أيام www.kutubnef7.com

1963. Бактерия хатарли бўлиб, у инсон саломатлигига таҳдид солади. У асосан инсон терисига таъсир ўтказиб, кўплаб касалликларга сабабчи бўлади. Узоқ ўрганиш ва тажрибалардан кейин олимлар ушбу тиббий ҳақиқатни кашф қилдилар:

Одам қўлларини ҳар куни, узлуксиз, тартиб билан ювиб юрса, ана ўша заарли бактериялардан омонда қолади.

Субҳаналло! Шариат бизга ҳар куни беш марта ювинаши буюрган. Биз бу билан соғлигимизни ҳам мухофаза қиласиз.

Аллоҳ таоло Мойда сурасининг 6-оятида шундай деган:

**«Эй иймон келтирганлар! Намозга турмокчи бўлсаларингиз،
юзлارингизни ва қўлларингизни чиганоқлари или ювинглар.
Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиклари или
ювинглар».**

Тахорат олиш ва қўлларни узлуксиз ювиб юриш инсонни ушбу бактериялардан ҳамда юкумли ва хатарли касалликлардан сақлайди.

Ислом неъмати учун Аллоҳга ҳамд бўлсин!



2964. «Аҳлингизни намоз ўқишига буюринг ва ўзингиз ҳам бунда чидамли бўлинг! Биз сиздан ризқ сўрамаймиз, балки Ўзимиз сизга ризқ берурмиз. Чиройли оқибат (жаннат) – (аҳли) тақвоникидир» (*Toҳа сураси, 132-оят*)

Хоғиз ибн Касир ушбу оятнинг тафсирида: «Агар намозни (қойилмақом қилиб) адо этсанг, ўйламаган томонингдан ризқ келур», деганлар.



2965. Донишмандлардан бири айтди:

«Қуёш булут остида бўлса ҳам, унинг нури йўқолмаганидек, гўдак болалик хулқларига ғарқ бўлса-да, унинг ақл ғаризаси қолади». «Унваанул байан» китобидан.



2966. Сафардан қайтиб, ўз шахрини кўрганда: «Аайибуунаа, тааибуунаа, ъаабидуунаа, лироббинаа ҳамидуун» деб, сўнгра: «Аллоҳуммажъал ланаа биҳаа қороаран ва ризқон ҳасана» («Аллоҳим, бизни шу ерда қарор топтириб, гўзал ризқ ато этгин») дейиш мустахабдир.



إذا أردت أن تصفو لك قلوب الناس فصف قلبك
تجاههم

قال تعالى :
"ادفع بالتي هي أحسن فإذا الذي بينك وبينه
عداوة كأنه ولی حميم"

2967. Одамларнинг қалби сенга нисбатан мусаффо бўлишини хоҳласанг, сен ҳам уларга нисбатан қалбингни мусаффо қилгин. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Яхши бўлган нарса ила даф кил. Қарабсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди қадрдон дўстдек бўлур» (Фуссилат сураси, 34-оят).

Изоҳ: Бу Ислом даъватчилари учун ғоят зарур сифатдир. Ҳар бир нарсани ёмонлик билан эмас, факат яхшилик билан қарши олиш даражасига етган

даъватчигина катта мұваффақиятларга эришади. Аммо бу сифатта эришиш осон әмас.



2968.

Такводор бўлмаган кимса одамларга тақвони буюрар.
Табиб ўзи бемор бўла туриб, одамларни даволар.
Эй бошқаларга ақл ўргатувчи кимса!
Кел, аввал ўзингга таълим беракол.
Ўз нафсинг хатоларини тўғрилашдан бошла.
Аввал ўзингни тийсанг, демак, сен ҳакимсан.
Айтган нарсаларингга қулоқ тутиб, эргашувчилар бор.
Шундагина айтган сўзинг ва таълиминг наф берур.
Ўзинг қилиб юрган ишдан бошқаларни қайтарма.
Агар шундай қилсанг, жуда катта ор-номусга қолибсан!

Ибн Ражаб Ҳанбалий



2969. Фузайл ибн Иёздан Каломуллоҳдаги ушбу оят ҳақида сўрашди:

«Мана шу (жаннат неъматлари) сизларга — ҳар бир (Аллоҳга) қайтгувчи, (ўз аҳдини) сақлагувчи, ғайбдаги Раҳмондан қўрқсан ва тавбатазарруъли дил билан келганларга ваъда қилинаётган нарсалардир» (*Коф сураси, 33-оят*).

У зот шундай дедилар: «Ана ўша қайтувчи – холи жойда гуноҳларини эслаб, Роббига истигфор айтадиган кишидир».

«Астагфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайх!»



2970. Шеър:

*Батаҳқиқ тақдирлар қилсалар кўмак,
Ожизга огоҳни етказар бешак.
«Унваанул байан» китобидан.*



2971. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам сафардан қайтиб, аҳллари хузурига киргандарида «**Тавбан-тавбан ли Роббинаа авбан, лаа югодириу ҳавбан**» («Роббимизга тавба, тавба деб қайтамиз, (бирор) гуноҳ қолдирмаслигини сўраймиз») дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



2972. Ким зулм қилса, бироз ўтгач, ўзи ҳам зулм кўради. Ким зулмни қайтара олмайдиган заиф, хийласи оз кишига озор берса, ҳаёт унинг ўзига ҳам айнан ўша озорни татитади, эҳтимол ундан ҳам қаттикроқ татитади. Айтишларича, бу ҳаёт гўё қарз тўлашдир. Эҳтимол, уни тўлаш вақти бироз кечикиши мумкин, лекин ё бу дунёда, ё охиратда тўланиши муқаррар!



2973. Инсон қалби ўлиб, хақни инкор қилса, унга на Қуръон ёдлаш, на ҳадис ўрганиш наф беради.

Шайх Мухаммад Газзалий



2974. Баъзи ҳакимлар айтишиди:

«Мол-дунёси камайганига хафа бўлиб, умри озайганига хафа бўлмайдиган кимсага ҳайронман.

Дунё ундан юз ўғирган, охират эса у томон юзланганига қарамай, ўзидан юз ўғирган нарсага юзланиб, ўзига юзланган нарсадан юз ўғирган кимсага ҳам ҳайронман».

Абуудунёро роҳимаҳуллоҳниң «Заммуд-дунё» китобидан.



2975. Сўралган нарса ҳар қанча оз, берилган нарса ҳар қанча кўп бўйласин, сўрашнинг нархи беришдан баланддир.

«Унваанул байан» китобидан.




2976. Сафардан келган кишининг «Алҳамду лиллаҳиллаزий салламак» (*Сени саломат қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*) дейиши ёки «Алҳамду лиллаҳиллаزий жамаъаш-шамла бик» (*сен билан тўплаб, жам қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*) ёки шунга ўхшаш ҳамдларни айтиши мустаҳабдир. Зоро, Аллоҳ таоло: «Шукр қилсангиз, зиёда қиласман», деган.



2977. Муваффақиятсизликка учраб, ҳолинг паришон бўлиб, дилинг хира бўлгандა ўзингга ўзинг: «Намознинг ҳаққини адо қилдингми? Мол-дунёингдан закот чиқардингми? Кариндошларинг билан алоқа боғладингми?» деб савол бер!



2978. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай дедилар:
«Одамларга уларнинг ақли кўтариадиган нарсани гапиринглар. Ёки Аллоҳ ва Унинг Расулини ёлғончи қилишни истайсизларми?»
Одамлар нотўғри тушуниб оладиган нарсани гапирманглар. Акс холда Аллоҳ ва Унинг Расулини ёлғончи қилиб қўясиз!



2979. Улуг тобеъин Саъид ибн Мусайяб роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:
«Ота-онасига яхшилик қилган одам ёмон ўлим топмайди».
Аллоҳим! Бизни ота-онасига яхшилик қилувчилардан қилгин!



2980. Шаҳватга (нафснинг ҳою-ҳавасларига) қул бўлиш ҳақиқий қулликдан ҳам оғирроқ хорлиқдир.

Ҳасадгўй одам бегуноҳ одамдан ғазабланади.

Гуноҳкор устидан қозонилган ғалаба уни кечиришга, ҳимоя қилишга кифоя қиласди.

Канча одамлар борки, ўзига зарар бўлиб қайтадиган нарсаларнинг кетидан қувиб юришибди.

Орзуларга суюниб қолиш аҳмоқларнинг ишидир.

Ҳақиқий ҳурлик бандадан умидвор бўлмаслиқдир. Бандадан умидвор бўлиш ҳақиқий қулликдир.

Оқилнинг гумони фолбинлиқдир (ўзи ақлли бўла туриб гумонга бораверган киши фолбинга ўхшаб қолади).

Адоват қалбни банд қилиб қўяди.




2981. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир бола келиб, «Эй Аллоҳниг Расули, мен ҳаж қилмоқчиман», деди. Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга шундай деб дуо қилдилар: «Заввадакаллооҳут-тақва, ва важжаҳака филхойр ва кафаакал ҳамма» («Аллоҳ сенга тақвони ҳамроҳ қилсин, яшииликка юзлантириб, гамларга йи кифоя қилсин») дедилар.

Ўша бола ҳаждан қайтгач, Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, салом берди. Шунда Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қобилаллоҳу ҳажжак, ва ғофаро занбак ва ахлафа нафақотак» («Аллоҳ ҳажсингни қабул қилсин, гуноҳингни кечириб, харажатларингнинг ўрнини тўлдирсин»), дедилар.

Ибн Сунний ривояти.



ينصح أشهر أطباء القلب بالتنقليل من الطعام والشراب من أجل حماية القلب من النوبات المفاجئة، ويؤكدون بأن تناول الفواكه والخضروات والحبوب الكاملة وقليل من الملح والسكريات، ستجنبك الكثير من الأمراض... والتوصيحة الذهبية التي ينادي بها العلماء هي عدم الإسراف في الطعام والشراب للوقاية من أمراض العصر. وسبحان الله الذي أطعانا قاعدة ذهبية للوقاية من هذه الأمراض، يقول تعالى: (وَكُلُوا وَاشْرُبُوا وَلَا شُرُفُوا إِنَّمَا لَا يُحِبُّ الظُّرْفِينَ) (الأعراف: 31).

أسرار الإعجاز العلمي في القرآن والسنة - موقع مجاني يتسع لغات www.kaheel7.com ٤٧

2982. Кардиолог шифокорлар (юрак табиблари) тўсатдан юз берадиган юрак хуружининг олдини олиш учун кам еб, кам ичиш кераклигини айтишади. Аммо улар мевалар, кўкатлар, турли дон-дунлар, оз микдорда туз ва ширинлик истеъмол қилиб туришни тавсия қилишади, чунки бу нарсалар кўплаб касалликларнинг олдини олади. Шифокорларнинг асримизда қўп учраётган касалликларга чалинмаслик учун тавсия қиласидаган олтин маслаҳатларидан бири – еб-ичишда исроф қилмаслик, яъни ҳаддан ташқари тўйиб емасликдир.

Субҳаналлоҳ, Роббимиз Ўзининг муборак каломида ушбу олтин қоидани ҳам айтиб, марҳамат қилган экан: «**Еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар, чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас**» (*Аъроф сураси, 31-оят*).



الآن ابن القبرى - رحمة الله

«وتوم الصبحة يمنع الرزق
لأن ذلك وقت تطلب فيه الخليقة أرزاقها
وهو وقت قسمة الأرزاق
ف:none حرم أن إلا لعارض أو ضرورة»

إذ الماء

2983. Тонги уйқу ризқни кесади, чунки бу пайтда барча махлукотлар ризқ талабида ҳаракат қилаётган бўлади. Тонг ризқларни тақсимлаш вақтидир. Бирор жиддий зарурат юзасидан бўлмаса, тонгдаги уйқу маҳрумлиkdir.



2984. Етим биродарим! Эртага мактабга бир ўзинг келсанг-у, синфдошларинг оталари билан келса, асло хафа бўлма! Зоро, Аллоҳ таоло дунёдаги барча толиби илмларга етимлиқда ўсган зотдан – Расулулоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан таълим олишни буюрди.



2985. Бирорта кишига нисбатан кек сакламай қўйган эдим, адоват ғамидан қутулдим. Душманимни кўриб қолсам ҳам, ёмонликни ўзимдан даф қилиш учун унга албатта салом бераман.

«Унваанул байан» китобидан.



2986. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ҳожиларни дуо қилганда) шундай дер эдилар: «Аллоҳуммағfir лил ҳаажжи ва лиман истағфаро лаҳул ҳаажжу» («Аллоҳум, ҳожининг ўзини ҳам, у истигфор айтган кишиларни ҳам мағфират қилгин»).

Байҳақий ривояти. Ҳоким бу ҳадисни Имом Муслимнинг шартларига кўра саҳиҳ деганлар.



2987. Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳдан: «Қиёмат куни қайси одам энг қаттиқ оҳ-воҳ тортади?» деб сўрашди. У зот: «Аллоҳ берган ризқни Аллоҳга исбатан гуноҳ қилишга сарфлаган одам», дедилар.



د احمد عيسى المعاشراوي

قال الله تعالى :

﴿ لَا تَنْدِرِي لَعْلَّ اللَّهُ يُحَدِّثُ بَعْدَ ذَلِكَ أَمْرًا ﴾ !!

فَلِنَرْضِي وَنَقْنَعْ بِقَضَاءِ اللَّهِ وَقَدْرِهِ حَتَّماً
 سَيُعَوِّضُنَا بِمَا هُوَ خَيْرٌ لَنَا فِي الدُّنْيَا
 وَالْآخِرَةِ .

2988. Аллоҳ таоло айтади:

«Сен билмайсан, балки Аллоҳ бундан кейин бирор иш пайдо қилар?»
(Талоқ сураси, 1-оят).

Инсон Аллоҳнинг қазою қадарига буткул рози бўлиб, қаноат қилиши керак. Шунда Аллоҳ таоло бунинг эвазига дунё ва охиратда биз учун хайрли нарсаларни беради.

ما يتعلمه الإنسان في عشرة
أيام من الألم يفوق ما يتعلم
في عشرة سنوات من
السعادة لأن الألم
يهذب
الروح .



2989. Инсоннинг ўн кунлик машаққат пайтида олган ўгит ва сабоқлари унинг ўн йиллик бахту саодат йилларида олган таълимидан устун келади, чунки қийинчилик рухни тарбиялади.



2990. Нодоннинг сукут сақлаши пардадир, оқилнинг сўзлаши эса фахрланишdir. Киши жим турар экан, ҳайбатли кўриниб туради. Гапирганида эса ё ҳайбати ошади, ё мартабаси тушади.

في كل 40 ثانية هناك شخص ينتحر في مكان ما من هذا العالم! وفي كل عام يموت 700 ألف إنسان بعمليات انتحار مختلفة. وبؤكد العلماء في أحدث أبحاثهم العلمية عن معن الانتحار أنه لا بد من تعريف الاشخاص ذوي الميول الانتحارية إلى خطورة عملهم وعواقبه وأنه عمل مؤلم ينتهي بعواقب مأساوية. وهذه الطريقة ذات فعالية كبيرة في معنهم من الانتحار، العجيب أن هذا ما فعله القرآن بالضبط! يقول تعالى: (وَكَفَلُوا أَنفُسَكُمْ إِذَا اللَّهُ كَانَ بِكُمْ رَجِيمًا • وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عَوَانًا • وَظَلَمًا فَسَوْفَ نَصْلِيهِ تَارًا • وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا) [١٧ : 29-30]. وقد تبين أن نسبة الانتحار لدى المسلمين قليلة لدرجة تقترب من الصفر، وهذا يدل على عظمنة الإسلام في تعاليمه التي حرم الانتحار بشدة ما ساهم في خفض هذه النسبة، بينما تجد أعلى نسبة للانتحار عند الملحدين!!



أسرار الإعجاز العلمي في القرآن والسنة - موقع مجاني يتسع لغات

17

2991. Статистик маълумотларга кўра, ҳар 40 сонияда дунё бўйича камида бир одам ўз жонига қасд қилар экан. Йил давомида 700 минг киши турли кўринишларда ўз жонига қасд қиласди. Олимларнинг сўнгги илмий тадқиқотларида маълум бўлишича, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишда ўлимнинг оқибати, аянчли натижаси ва хатарлари ҳакида тушунча бериш яхши таъсир қилиб, ижобий натижа берар экан.

Буни қарангки, Аллоҳ таоло Куръони каримда ушбу ҳолатни худди шу йўл билан муолажа қилган:

«Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир. Ким буни тажовузкорлик ва зулм ила қилса, уни дўзахга киритамиз. Бу эса Аллоҳга осондир» (Нисо сураси, 29-30-оятлар).

Мазкур маълумотларда мусулмонлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари деярли учрамаслиги айтилган бўлиб, бу нарса Ислом таълимотининг улуғлигига далолат қилиши таъкидланган. Юқоридаги кўрсаткичнинг ниҳоятда камлиги хам Ислом таълимоти ўз жонига қасд қилишни шиддат билан қоралashi билан боғлиқдир. Ваҳоланки, динсиз кишиларда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ниҳоятда кўп учрайди.

من هو السعيد ؟

ومن هو الأسعد ؟

السعيد : من كان مع الله .

والأسعد : من كان الله معه .

اجتهد للأولى تُرزق الثانية

2992. Бахтли одам ким? Бахтли одам – Аллоҳ билан бирга бўлган кишидир.

Ундан ҳам баҳтли одам ким? Ундан ҳам баҳтли одам – Аллоҳ бирга бўлган кишидир.

Биринчи мақомда бўлишга ҳаракат қилсанг, иккинчи мақомга ҳам эришасан!

قال الحسن البصري
 " لكل أمة وثن يعبدون.. و صنّم
 هذه الأمة الدينار والدرهم "



2993. Ҳасан Басрий шундай дедилар: «Ҳар бир умматнинг ибодат қиласиган бут-санами бўлади, бу умматнинг бут-санами динору дирҳамдир».



د احمد عيسى المعصراوى

أَخَافُ مِنْ ذَنْبٍ نَسِيَّتُهَا وَلَمْ تَنْسِهَا يَا اللَّهُ فَاغْفِرْ لِي
مَا تَقْدِمُ مِنْ ذَنْبٍ وَمَا تَأْخُرُ.

يا رب حسن الخاتمة

2994. Аллоҳим! Ўзим унуган, аммо Сен унумаган гуноҳлардан қўрқаман.
Аввалгию кейинги гуноҳларимни мағфират қил!
Роббим! Хотимамни гўзал қил!



2995. Гапирганда одобга риоя қилиш ақлнинг мевасидир.
Очкўзда ҳаёй йўқдир.
Ўзгалардан ибралана олган киши баҳтлидир.
Хикмат мўминнинг йўқотган нарсасидир.
Ҳақикий ёмонлик ёмон айбларни ўзида мужассам қилувчи дир.
Кишининг ростгўйлиги унинг нажотидир.
«Унваанул байан» китобидан.



2996. Барака Аллоҳнинг лашкарларидан бири бўлиб, уни Ўзи хоҳлаганига нозил қилади. Агар у мол-дунёга тушса, мол-дунё кўпайиб кетади. Фарзандга ато этилса, бола салоҳиятли бўлади. Танага берилса, тана бақувват бўлади. Вақтга ато этилса, инсон узоқ умр кўради. Қалбга индирилса, инсонни баҳтиёр қилиб юборади.

Аллоҳим! Барча нарсада баракот ато қилгин!

قال ابن القيم رحمة الله تعالى :

- الجنة ليست اسمًا لمجرد الأشجار والقواک والطعام والشراب والجور العين والأنهار والقصور وأكثر الناس يغطّون في مسمى الجنة
- فـإنـ الجـنةـ إـسـمـ لـدارـ النـعـيمـ الـمـطـلـقـ الـكـاملـ
- وـمـنـ أـعـظـمـ نـعـيمـ الجـنةـ :
- التـنـتـعـ بـالـنـظـرـ إـلـىـ وـجـهـ الـكـرـيمـ
- وـسـمـاعـ كـلـامـهـ
- وـقـرـةـ العـيـنـ بـالـقـرـبـ مـنـهـ وـبـرـضـواـنـهـ
- فـلـاـ نـسـبـةـ لـلـذـةـ مـاـ فـيـهـ
- مـنـ الـنـكـولـ وـالـمـشـرـوبـ وـالـمـلـبوـسـ وـالـصـورـ إـلـىـ هـذـهـ الـذـةـ
- آـيـدـاـ .

مدارج السالكين 2/80

2997. Жаннат дегани факат дараҳтлар, мевалар, анвойи таому ичимликлар, хурлар, анҳорлар ва қасрлари бор жойнинг номигина эмас. Кўпчилик жаннатни номлашда хатога йўл қўяди. Жаннат мутлақ неъматлар диёридир.

Жаннатдаги энг улуғ неъмат:

- Аллоҳ таолонинг дийдорини кўришда;
- У Зотнинг сўзларини тинглашда;
- Аллоҳга ва Унинг розилигига яқин бўлиш туфайли қувонишда;
- у ердаги лаззатларнинг, яъни бекиёс егуликлар, ичимликлар, либосу кўринишнинг абадийлигидадир.



2998. Қандай замонларга қолдик!
Одамларнинг фақат гапига эътибор беришади, ҳис-туйғусини хисобга олишмайди.



2999. Ер билан Қуёш орасидаги масофа тахминан 29 миллион мил экан. Шунчалик масофада туриб хам жазирама иссиқдан шикоят қилиб қоламиз. Ахир Қиёмат куни қуёш шундоққина бошимизнинг устига яқинлаштириб қўйилади-ку?!

Аллоҳим! Ўзингни соянгдан бошқа соя йўқ кунда бизларни соялантирип!



3000. Неъматнинг бир тарафи етса, кам шукр қилиб, унинг қолган тарафларини ҳам кўлдан чиқариб юборманг.

Тилига эгалик қилолмаган афсус-надоматда қолади.

Юз-кўзнинг ҳар тарафга аланглайвериши, тилнинг каловланавериши инсоннинг ичидаги яширина нарсаларини ошкор қилиб қўяди.

«Унваанул байан» китобидан.



3001. Касаллик ҳам бир неъматдир. Аммо унинг қадрини охиратда, яъни оғриқлар гуноҳларимизга каффорат бўлганида биламиз. Шунинг учун беморликда ғазаб қилманглар, ноумид ҳам бўлманглар.

Гуноҳларимизнинг кечирилишига қанчалар муҳтоjmиз ахир!



3002. Бомдод намози хар тонгда топшириладиган имтиҳондир. Түшагидан сакраб туриб, намозни ўқиган одам имтиҳондан муваффақиятли ўтган бўлади. Тўшагига ўраниб, намозга дангасалик қилганлар эса ҳасрату надоматда қолади.



3003. Замонавий илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, ухлаган пайтда чирокни ёник қолдириш инсон миясининг муҳим жойларига таъсир қилиб, турли изтиробларга (депрессия) ҳамда семириб кетишга сабаб бўлади. Шунинг учун олимлар тана ва мия дам олиши учун тунда чироқларни ўчириб ётишни тавсия қилишади.

Субҳаналлоҳ! Олимлар йигирма биринчи асрдагина аниқлаган илмий кашфиётни бундан ўн тўрт аср муқаддам Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам

айтиб кетган эканлар: «Ухлаганда чироқларни ўчиринглар» (*Абу Довуд ривояти*).

Ушбу ҳадис Набий алайхиссаломнинг содиқул масдуқ* эканларига далолат қилмайдими?

* Содиқу масдуқ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари. Содиқ – фақат рост сўзловчи, ҳақни айтувчи, барча сўзу амалида садоқатли. Масдуқ – рост сўз тингловчи, сўзи ўз тасдигини топадиган.



3004. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Илм мажлисига қоғоз-қаламсиз келган одам худди тегирмонга буғдойсиз келган кишига ўхшайди»

Халил ибн Аҳмад: «Ёзиб қолдирилган нарса сакланиб қолади. (Ёзмасдан, фақат) ёд олинган нарса қочиб кетади», деганлар.



3005. Ибн Мұтаз шундай дебдилар: «Ёлғончи одамни эшитишга мажбур бўлиб қолсанг, гапини тасдиқлама, аммо уни ёлғончиликда айблаётганингни

ўзига билдириб ҳам қўйма, чунки ёлғончилигини ўзига айтганинг билан кечса, сендан кечиши мумкин, лекин ўзининг ёлғончи табиатидан кечмайди».

«Унваанул байан» китобидан.



3006. Таом тортилганда айтиладиган дуо.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга таом тортиқ этилса, шундай дер эдилар: «**Аллоҳумма, баарик ланаа фий маа розактанаа ва қинаа ъазаабан-наар. Бисмиллаҳ**» («Аллоҳум, бизга берган ризқингга баракот бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин. Аллоҳнинг исми билан...»)

Ибн Сунний ривояти.



د احمد عیسى المغراوی

انهر ابنك عندما ينقل إليك أخبار الآخرين حتى لا
يتعود على التجسس ونقل الأخبار

3007. Фарзандларингиз сизга бирорлар ҳақида гап айтиб келса, уларни жеркиб беринг. Шунда улар айғоқчилик ва чакимчиликка одатланишмайди.



وجد العلماء أن كبار السن يجب أن يستمروا في العمل وأن سن التقاعد هو خطأ لأن أمراض الشيخوخة انتشرت بشكل كبير بين أولئك الذين توافقوا عن العمل بعد سن محددة، ويسخان الله الإسلام ليس فيه سن تقاعد عن العمل بل يبقى المسلم يعمل حتى لآخرحظة، فمتى يقول تعالى: (وَاعْبُدُ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَاتِكَ الْحِقْرُ)
الحجر: 99، واليقين هو الموت، إذا العبادة مستمرة حتى ولو كنت على فراش الموت. فالحمد لله على نعمة الإسلام.

سرار الإعجاز العلمي في القرآن والسنة - موقع سخن باللغة العربية
www.kaheel7.com

3008. Олимларнинг аниқлашича, кексаликка қадам қўйган кишилар қариб колса ҳам ишлашда давом этишлари лозим экан, уларнинг бирдан ишдан тўхтаб олишлари эса хато бўлар экан. Маълум ёшдан кейин бирдан ишдан тўхтаб қолганлар қариликдаги касалликларга кўпроқ чалинар экан.

Субҳаналло! Исломда меҳнат фаолиятини тўхтатиб, нафақага чиқиш деган нарса йўқ. Аксинча, мусулмон одам ҳаётининг охирги лаҳзасигача ибодатда, фарзанд тарбиясида, оила раҳбарлигига, ижтимоий меҳнатда бардавом бўлади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

«Сизларга аниқ нарса (яни ўлим соати) келгунича Роббингизга ибодат қилинг!» (Ҳижр сураси, 99-оят).

Оятдаги «аниқ нарса» ўлимдир. Бинобарин, ўлим тўшагига ётган одам учун ҳам ибодат давомийдир.

Ислом незъмати учун Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин!



3009. Бир киши дўстидан: «Уйингдан ишхонангга қанча вақтда борасан?» деб сўради. У: «Йўлда машиналар тикин бўлса, 800 марта тасбех айтгунимча етиб бораман, тикин бўлмаса, 250 марта тасбех айтгунимча етиб бораман», деб жавоб берди.

Нақадар гўзал жавоб, нақадар гўзал тушунча!

Саҳобалардан бири: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга саҳарлик қилдик. Кейин намозга турдик», деди. Эшишиб турғанлар: «Шу иккисининг (яъни саҳарлик билан бомдоднинг) ораси қанча муддат эди?» дейишиди. Шунда саҳоба: «Эллик оят ўқиши миқдорича», деди.

Қаранг-а! Вақт ўқилган оятлар миқдори билан белгиланмоқда!

Ха, бу зотлар Куръонни улуғлаш билан буюк бўлишган!



3010. Сукут сақлашни одат қилган инсон гўё ҳайбат либосини ёпиниб олгандек бўлади, бу либос унинг айбларини одамлар кўзидан яширади.

Оқиленинг тили дилида, жоҳилнинг дили тилидадир.

Сукут либосига бурканган инсон
Шаксиз қўшилгайдир ҳайбат элига
Қалбига ўрнашган оқиленинг тили,

Жоҳилнинг қалби-чи, кўчган тилига...
«Унваанул байан» китобидан.



3011. Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга «(Овқатланаётганда)
Аллоҳнинг исмини зикр қилгин ва ўнг қўлинг билан егин», дедилар.
Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирортангиз
(овқат) ейдиган бўлса, таомнинг аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилсин
(яни «Бисмиллаах» десин). Аввалида Аллоҳнинг исмини зикр этишни
унутса, «Бисмиллаахи аввалиаху ва ахироху» («Аввалига ва охирига
бисмиллаах») десин».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуидагиларни эшитдим:
«Ким уйига кираётганида ва таом пайтида Аллоҳни зикр қилса,
шайтон шерикларига: «Энди сизларга ётоқ ҳам, овқат ҳам йўқ», дейди.
Ким уйига кираётганда Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон шерикларига:
«Ётоққа етишдиларинг», дейди. Таом пайтида ҳам Аллоҳни зикр қилмаса,
шайтон шерикларига: «Овқатга ҳам, ётоққа ҳам етишдиларинг», дейди».

Имом Муслим ривояти.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа ва Умму Сулаймлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни овқатга таклиф қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн киши билан бирга келишга изн сўрадилар. Улар ўша ўн кишига ҳам изн беришди. Ушбу ўн киши овқат тановул қилгани киришганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳнинг исмини зикр қилиб енглар**», дедилар. Улар овқатдан ейишли. Шу куни улардан ташқари яна саксон киши ҳам овқат еди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зоҳирий мўъжизаларидан бири эди».

И мом Муслим ривояти.

Хузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга овқатга ўтирасак, у зот қўлларини узатмагунларича биз узатмас эдик. Бир куни у зот билан бирга таом еб ўтирган эдик, бир қизча келиб, бирдан овқатга қўл узатиб қолди. Шунда у зот унинг қўлидан ушлаб, четга олиб қўйдилар. Бирордан сўнг бир аъробий келиб, у ҳам қўл узатмоқчи бўлган эди, унинг ҳам қўлидан ушлаб, четга олиб қўйдилар. Сўнгра шундай дедилар: «**Шайтон Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган овқатни ўзига ҳалол қилиб олади. Боя у овқатни ҳалол қилиш учун мана бу қизча билан келди, шунинг учун мен унинг қўлидан тутдим. Бирордан кейин у овқатни ҳалол қилиш учун мана бу аъробий билан келган эди, унинг ҳам қўлидан тутдим. Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, унинг (шайтоннинг) қўли шу икковининг қўли билан менинг кафтиmdа.**» Шундан сўнг Аллоҳ исмини зикр қилиб, овқатни тановул қилдилар».

И мом Муслим ривояти.

Умайя ибн Махиий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар, бир киши овқат еди, бироқ охирги луқма қолгунча ҳам Аллоҳнинг исмини зикр қilmади. Ниҳоят, ўша охирги луқмани оғзига солаётганида «Бисмиллаҳи аввалиху ва ахироху» (аввали-ю охирига Бисмиллаҳ), деди. Буни кузатиб турган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар, сўнгра: «**Шайтон унинг овқатига шерик бўлиб, бирга еяётган эди. Аллоҳ исмини зикр қилган эди, шайтон қорнидагини қайт қилиб юборди**», дедилар.

Абу Довуд ва Насаий ривояти.

Ушбу ҳадиснинг шарҳида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кишининг «Бисмиллаҳ»ни айтмаганини кейин билиб қолдилар. Аввалроқ билгандарида жим турмай, эслатган бўлар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олтида саҳоба билан овқатланаётган эдилар, бир аъробий келиб, икки луқма олдию, овқатнинг ҳаммасини еб қўйди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳнинг исмини зикр қилса, сизлар ҳам тўяр эдиларинг**», дедилар.

И мом Термизий ривояти.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким овқатланаётганида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутса, овқат еб бўлганидан кейин «Кул хуваллоҳу аҳад»ни ўқисин**».

И мом Термизий ривояти.

Уламолар таомнинг аввалида «Бисмиллах» дейиш мустаҳаб эканига иттифоқ қилишган. Бир киши таомнинг аввалида қасданми, унутибми, мажбуранми ёки бошқа сабабларга кўра ожиз бўлибми, «Бисмиллах»ни айтмаган бўлса, кейин овқатни еяётган пайтида эсига тушиб қолса, юқоридаги ҳадисга мувофиқ, «Бисмиллахи аввалаҳу ва ахироҳу» дейиш ҳам мустаҳабдир. Худди шунингдек, сув, сут, асал, шўрва ва бошқа ичимликларни ичишда ҳам «Бисмиллах» айтилади. Баъзи уламоларимизнинг фикрича, «Бисмиллах»ни баландроқ айтиш мустаҳабдир, шунда бошқалар ҳам эшишиб, эсига тушиб, «Бисмиллах»ни айтади.

فِي حَيَاتِكَ أَنْوَاعٌ مِّنَ النَّاسِ لَا يُحِبُّ
أَنْ تَنْسَاهُمْ: مِنْ سَاعِدُوكَ فِي مُحْنَتِكَ ،
وَمِنْ آمَنُوا بِكَ رَغْمَ شَكْكِ فِي نَفْسِكَ ،
وَمِنْ سَاعِدُوكَ بِلَا مُقَابِلٍ ،
وَمِنْ جَعَلُوا حَيَاتَكَ أَفْضَلَ .

3012. Ҳаёtingда тўрт хил одамлар борки, сен уларни асло унумаслигинг керак:

1. Қийинчилик пайтида сенга ёрдам берган киши.
2. Ўзинг ўзингга ишонмай турган пайтда сенга ишонган киши.
3. Сенга эвазсиз (Аллоҳ йўлида) ёрдам берган киши.
4. Ҳаёtingнинг яхши томонга бурилишига ҳисса қўшган киши.



3013. Уламоларнинг тажрибасидан маълумки, ким дарғазаб бўлаверса, хар куни таҳорат билан 300 марта истиғфор айтсин (*Астагфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайҳ – Буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиласман*)

اثناء خروجك من البيت ستقى صنفين من النساء
الصنف الأول: امرأة قد ابليت بمرض امرأة العزيز.. قد
تحملت و تعطرت و تبرجت، ولسان حالها يقول: "هيت
لک"
الصنف الثاني: امرأة قد تسترت و تحجبت ولكن
جاتها الظروف للخروج لقضاء حوائجها، ولسان حالها
يقول: "حتى يصدر الرعاء و أبوتا شيخ كبير"
ـ فمع الصنف الاول [تصرف كتصرف يوسف عليه
السلام، غض بصرك وقل "معاذ الله"]
ـ ومع الصنف الثاني [تصرف كتصرف موسى عليه
السلام، قدم المساعدة بأدب، و امض في حاجتك
"فسقى لهما ثم تولى إلى الظل"]
ـ فإن "عفة يوسف" كانت سبباً في أن أصبح عزيز
مصر،
ـ و "شهامة موسى" كانت سبباً في أن رزقه الله
الزوجة الصالحة والمأوى.
اللهم ارزقنا العفاف واستر عامة بنات المسلمين.

3014. Уйдан кўчага чиққанингда икки хил тоифадаги аёлларга дуч келасан.

Биринчи тури: Юсуф сурасида айтилган Миср азизининг хотини мубтало бўлган касалликка чалинган аёллар. Улар чиройли кийиниб, атири сепиб, очиқ-сочиқ кўчага чикишади ва Юсуф сурасининг 23-оятида айтилганидек, «Бу ёққа кел!» дейишгача бориб етишади.

Иккинчи тури: Авратини ёпиб, зийнатларини тўсиб чиққан аёллар. Уларни мажбурият кўчага олиб чиққан бўлади. Улар Қасос сурасининг 23-оятида айтилган Шуъайб алайҳиссаломнинг икки қизи: «Чўпонлар қайтмагунича молимизни сугора олмаймиз, отамиз эса қариб қолган», дейишади, холос.

Биринчи тоифадаги аёлларга худди Юсуф алайҳиссаломдек муомала қиласан, яъни кўзингни тиясан, ўзига чорлаб қолса, «Аллоҳ сакласин!» деб ўзингни ундан узоқ тутасан.

Иккинчи тоифа аёлларга эса Мусо алайҳиссаломдек муомала қиласан, яъни оята айтилганидек, одоб билан уларга ёрдам берасан-да, йўлингда давом этасан.

«Шунда у уларнинг молини сугориб берди, сўнгра сояга қайтди»
(*Kasos surasi, 24-oyat*)

Юсуфнинг хаё ва иффати унинг мартабасини Мисрга вазири даражасига олиб чиқди. Мусо алайҳиссаломнинг ғайрат ва матонати уни солиха аёл ва масканга мушарраф қилди.



3015. Донишманд айтди: «Очиқ юз тилнинг таржимони, тил эса қалбнинг саҳифасидир. Гул мевага айланганидек, очиқ юз саховатнинг аломатидир. Оқилнинг тили дилида, ахмоқнинг дили тилидадир».
 «Унваанул байан» китобидан.



3016. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир моҳовнинг қўлидан ушлаб, уни товоққа қўйдилар-да: «**Кул бисмиллаҳ, сиқотан биллаҳ ва таваккулан ъалайҳ**» («Аллоҳга ишониб, Унга таваккал қилиб, Унинг исмини билан еявер») дедилар.

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можсалар ривояти.

mashaher

قال الحسن البصري :
 لا أظن أن الله يعذب رجلاً استغفر..
فقيل لماذا؟!
قال : من الذي ألهمه الاستغفار؟
فقيل : الله
فقال الحسن :
كيف يلهمه الاستغفار ويريد به أذى؟!
((وما كان الله معذبهم وهم يستغفرون))

3017. Бир куни Ҳасан Басрий «Менимча, Аллоҳ истиғфор айтган кишини азобламайди», дедилар. «Нима учун?» дейишиди. У зот: «Ахир, истиғфор айтишига ким илҳом берди?» дедилар. Атрофдагилар: «Аллоҳ», дейишиди. Ҳасан Басрий: «Унинг қўнглига истиғфорни солган Зот қандай килиб уни азоблайди?», дедилар.

«Модомики истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобламайди»
(Анфол сураси, 33-оят).

عبدالعزيز الطريفي

إذا عجز الشيطان عن إيقاع
 الإنسان بالمعصية صرفه عن
 الطاعة وإذا عجز عن صرفه عن
 الطاعة صرف نيته لغير الله، لا يمل
 حتى يجعله لا يدرك رحمة الله



3018. Шайтон инсонни гуноҳ-маъсиятга дучор қилмоқчи бўлса, уни тоат-ибодатдан буриб қўяди. Агар тоат-ибодатдан буриб қўя олмаса, ниятини Аллоҳдан бошқага буриб қўяди. Хуллас, шайтон инсонни Аллоҳнинг раҳматини топа олмайдиган даражага олиб чиққунча эринмайди.

ما معنى أن يقول يوسف عليه السلام في ختام المحن
التي مرّ بها: (وقد أحسن بي)، فلم ير من ربه إلا
الإحسان، وهو شأن أقوياء الإيمان على مر الأزمان.

Khaled Abu Shadi

3019. Юсуф алайхиссалом бошларига тушган қийинчиликлардан кейин: «Аллоҳ менга яхшилик қилди», дедилар (*Юсуф сураси, 100-оят*).

Буни қандай тушуниш мумкин? Бунинг маъноси шуки, бошларига нимаики тушмасин, у зот Роббимиздан келган ишларда фақат яхшиликни кўра олдилар!

Иймони кучли зотлар замонлар оша ана шундай бўлишган!



3020.

Сукут – саломатлик, зийнатдир жимлик,
Сўзласанг, гапларинг кўпаймасин, ох.
Сукут қилсам, сира чекмадим афсус,
Кўп бор пушмон бўлдим гапирганим чоғ.
«Үнваанул байан» китобидан.



3021. Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Дастурхон йифишириб олингач, Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дер эдилар: «Алхамдулилаҳи касиирон, тойибан, мубаарокан фийхи, гойро макфийиин, ва лаа муваддаъин, ва лаа мустағнан ъанҳу Роббана», дер эдилар.

(«Ўзидан ўзга кифоячи бўлмаган, тарк қилинмайдиган, беҳожат ҳам бўлинмайдиган Аллоҳга беадад, пок, муборак ҳамдлар бўлсин!»)

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.



3022. Инсон ҳаётда бардавом бўладиган баҳт-саодатга тоат-ибодат билангина эришади.

«Эркагу аёл, ким мўмин холида яхши амал қиласа, ҳаётларини гўзал қиласиз ва қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» (*Наҳъл сураси*, 97-оят).



3023. Тарбия туркумидан:

Ўғлингга у лол қолиб, тақлид қиласынан йўлбошчи керак, унинг маънавиятини парчалайдиган танқидчи эмас.



3024. Қалб қотишининг сабабларидан бири – беҳуда, миш-миш нарсаларни гапириб, ғийбат қилувчи кимсалар билан ўтиришdir. Бундай кимсаларга ҳамроҳ бўлиш қалбни қотириб, зикрдан буриб юборади.



3025. Донишмандлардан бири деди: «Ким сирини бировларга очиб, роҳат топаман деб ўйласа, ақлига тухмат қилган бўлади. Зоро, сири билан ёлғиз қолишнинг мاشаққати шерикларига айтиб, сири ёйилиб кетишнинг мешаққатидан енгилроқдир».

*Сирга шерик қилсанг кимнидир тугал,
Муқаррар бир куни ўйга толишинг.
Бунинг азобидан минг бора афзал
Сирнинг ўзи билан ёлгиз қолишинг...*

«Унваанул байан» китобидан.



3026. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам овқат еб бўлгандан кейин дастурхон йиғиширилгач, «Алҳамдуиллаахилلазий кафаанаа ва арваанаа ғойро макфийин ва лаа макфуурин» («Бизга кифоячи бўлган, бизни қондирган, Ўзидан ўзга кифоячи бўлмаган, инкор қилинмаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин») дер эдилар.

Анас розияллоху анхұдан ривоят қилинади:

Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам шундай дедилар: «Бандалар бирор таом еб ёки бирор ичимлик ичиб, ҳамд айтишса, Аллох таоло рози бўлади».

Имом Муслим ривояти.



د أحمد عيسى المعصراوي

(وَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا)


كُلُّ مَا خَطَّهُ يَدَاكُ

سْتَجَدَهُ حَاضِرًا أَمَامَ مَوْلَاكُ

فِرَاقُ مَا تَصْنَعُ وَمَا تَقُولُ وَمَا نُوَيْتُ عَلَى
فَعْلِهِ.

3027. «Килиб ўтган барча амалларини ҳозиру нозир ҳолда топурлар»
(*Каҳф сураси, 49-оят*)

Кўлинг теккан ҳар бир нарсани Роббингнинг ҳузурида топасан. Шундай экан, бир нарса қилишингдаги, бир нима дейишингдаги ва бир нима қилмоқчи бўлганингдаги ниятингга хушёр бўл!



3028. Куйиб-ёниб кетадиган даражада яқинлашиб юборма. Ажралиб кетадиган даражада узоқлашиб ҳам кетма. Шу иккисининг ўртасида бўл. Бирор кишига жуда яқинлашиб ҳам, жуда узоқлашиб ҳам кетма!



3029. Америкалик олимлар олиб борган тадқиқотлардан, шунингдек, мусулмон уламоларнинг изланишларидан маълум бўлишича, Аллоҳ таоло ҳақида фикр юритиш инсоннинг руҳий изтиробларини енгиллатар экан.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Аллоҳ таолога иймон келтирган, шифо беришга фақат Аллоҳ таоло қодир эканига эътиқод қилган одамлар динни инкор қилувчи дахрийларга қараганда кўпроқ ва тезроқ шифо топар экан. Тадқиқотларнинг натижасига кўра, Аллоҳ таоло ҳақида тафаккур қилиш асносида мияда содир бўладиган электромагнит тўлқинларда ўзгариш юзага келади. Шунинг учун шифокорлар bemorlariga kўproq zikr қилиb, duoga mashғul bўliishni tavsия қилиshadi. Bu narса bemornинг шифо topishiда, xususan, surunkали kasallarida katta ёрдам beradi. Шунингдек, тадқиқотчilar Allohnini zikr қилган инсон организмида muайyan gormonlar ajralib chiқib, yurak faoliyatiga hamda umuman odamning ruҳий ҳолатiga ijobiy taъsir қилишини ham taъkidlashgan.

Субҳаналлоҳ! Роббимиз бизга Ўзини зикр қилишни буюрган ва Ўзининг зикри или қалблар ором topishiни жорий қилиб қўйган!

«Улар иймон келтирган ва қалблари Аллоҳни зикр қилиш или ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш или қалблар ором олур» (Раъд сураси, 28-оят).



3030. Шеър:

«Киши ўз тили билан бир ёмонликни юзага чиқарса
ва бошқани ўша айб билан маломат қилса, у аҳмоқдир.
Сирни яширишга ўзингнинг юрагинг торлиқ қилар экан,
Сирингни айтган одамингнинг юраги ундан ҳам тордир.
«Ўнваанул байан» китобидан.



3031. Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам овқат еб бўлгандан кейин «Алҳамду лиллаҳиллаҳий атъаманаа ва сақоонаа ва жаъаланаа муслимийн» («Бизни едирган, ичирган ва мусулмон қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин») дер эдилар.


Абу Довуд «Жомеъ» китобларида, Термизий «Шамоил» китобларида ривоят қилишиган.



3032. Аллоҳнинг тоатида ўтказилмаган умр нуқсонлидир.



3033. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтдилар:
«Бирорни мақташга ёки ёмонлашга шошилма, чунки кўпинча бугун сени
хурсанд қилганлар эрта-индин хафа қилиши ҳам мумкин».



3034. Имом Шофеъий шогирдларига шундай дер эдилар:

«Қалбим салоҳиятли бўлсин десанг, ёки фарзандинг, биродаринг ё бошқа бирор кишининг солих бўлишини истасанг, уни Қуръон бўстонидаги Қуръон сухбатига чорла. У хоҳлайдими, йўқми, (модомики Қуръонга машғул экан) Аллоҳ унга салоҳият бераверади».



3035.

Икки иш борки, улар эркин кишининг бор эркини кемтик қилиб қўяди (гўё эгнидаги озодлик тўнига чанг солиб, унинг бир қисмини юлиб олади). Булар сирни очиш ва яхшиликни қабул қилишдир.

Бир кишига сирингни очсанг, энди уларнинг фош бўлишидан қўрққанинг учун хорликка рози бўласан.

Бир киши сенг яхшилик қилган бўлса, унга таъзим қилиб, миннатдорчилик билдиришга мажбурсан.


«Унваанул байан» китобидан.



3036. Абу Айюб Холид ибн Зайд ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарса есалар ёки исалар, «Алхамду лиллаахилلазий اتъاما، ва ساқو، ва سаввағوҳу ва жаъала لاҳу ماخروжа» («Едирган, ичирган, ҳазм қилдирган ва уни чиқадиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин») дер эдилар.

Абу Довуод ва Насаийлар саҳиҳ санаад ила ривоят қилишиган.



البنك الوحيد الذي له فروع في
الدنيا والآخرة هو بنك "الصدقة"
تودع فيه بدنياك وتسحب منه في
آخرتك.
نشط حسابك

3037. Дунёда ҳам, охиратда ҳам филиали бор биргина банк бор. Бу – Садақа банкидир. Сен унга бу дунёда омонат құйсан ва охиратда қайтариб оласан. Мана шу банқдаги ҳисоб рақамингни түлдиришда фаол бўл!



3038. Солиҳ салафларнинг биридан: «Аллоҳ бир бандани яхши кўриб қолса, уни нима билан машғул қилиб қўяди?» деб сўрашди. У зот: «Камчиликка йўл қўйган пайтда истиғфор айтишга илҳомлантириб қўяди», деб жавоб берди.

وَالآسِبَابُ الْجَلَالِيَّةُ لِحَمْيَةِ اللَّهِ تَعَالَى عَشْرَ أَشْيَاءً ذُكُورُهَا إِنْ شِئْتَ فَرَحِيمٌ رَّحِيمٌ اللَّهُ

وَهُنَّ:

أَحَدُهُمْ: فَرَاهَةُ الْقُرْآنِ بِالتَّدْبِيرِ وَالْتَّهْفِمِ لِمَعْنَاهُ وَمَا أَرِيدُ بِهِ.

الثَّانِي: التَّقْرِبُ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى بِالْتَّوَافِلِ بَعْدَ الْفَرَاقَنِ.

الثَّالِثُ: دُوَامُ ذِكْرِ اللَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ بِاللِّسَانِ وَالْقَلْبِ وَالْعَمَلِ.

الرَّابِعُ: إِذْكَارُ مَا يُحِبُّهُ اللَّهُ عَلَى مَا يُحِبُّهُ الْعَذَابُ بَعْدَ تَرَاحِمِ الْحَسَنَيْنِ.

الخَامِسُ: الشَّامِلُ فِي أَسْيَاءِ أَهْلِهِ وَصَفَاتِهِ وَمَا تَدَلَّلَ عَلَيْهِ مِنَ الْكَبَالِ وَالْحَالَلِ وَمَا

لَمَّا مِنَ الْأَثَارِ الْحَسِيبَةِ.

السَّادِسُ: التَّحَمُّلُ فِي نَعْمَةِ الظَّاهِرَةِ وَالْبَاطِنَةِ وَمُتَاهِدَةُ بِرَءَةِ إِحْسَانَةِ

وَإِنْعَامِهِ عَلَى عِيَادَةِ

السَّابِعُ: اتْكِسَارُ الْقَلْبِ بَيْنَ يَدِيِ اللَّهِ وَإِخْتَارِهِ إِلَيْهِ.

الثَّامِنُ: الْخَلُوَّةُ بِاللَّهِ وَقَتْ الزَّوْلِ الْأَهْمِيِّ حِينَ يَعْنِي ثُلَثُ اللَّيلِ الْأُخْرِ

وَنَلَوْرَةُ الْقُرْآنِ فِي هَذَا الْوَقْتِ وَحْتَمْ ذَلِكَ بِالْاسْتَغْفَارِ وَالْتَّوْبَةِ.

النَّاسِعُ: مُجَالِسَةُ أَهْلِ الْخَيْرِ وَالصَّالِحِينَ الَّذِينَ لَهُمْ عَزْ وَجْلٌ وَالْإِسْفَادَةُ مِنْ

كَلَامِهِمْ.

العَاشُرُ: الْإِتَّعْدَادُ عَنْ كُلِّ سَبْبٍ يَحْوِلُ بَيْنَ الْقَلْبِ وَبَيْنَ اللَّهِ مِنَ الشَّوَّاغِلِ.

3039. Аллоҳ таолонинг муҳаббатини жалб қилувчи ўнта сабаб:

1. Қуръонни тадаббур билан ўқиши, унинг маънолари ва унда мақсад қилинган нарсалар ҳақда фикр юритиш.
2. Фарзлардан сўнг Аллоҳ таолога нафллар билан яқин бўлиш.
3. Хоҳ тилда, хоҳ қалбда, хоҳ амалда – ҳар бир ҳолатда Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлиш.
4. Аллоҳ яхши кўрган нарса билан банда яхши кўрган нарса рўпара келиб колганда биринчисини иккинчисидан устун қўйиш.
5. Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари ҳақида, У Зотнинг камолоти ва улуғлигига далолат қиласидан нарсалар ҳақида ҳамда Унга нисбатан мақтовлар ҳақида фикр юритиш.
6. Аллоҳнинг кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган неъматлари хусусида фикр юритиб, У Зотнинг бандаларига инъоми, эҳсони ва яхшиликларини мушоҳада қилиш.
7. Аллоҳнинг хузурида синик қалб билан, тазарруй билан туриш.

8. Туннинг охирги учдан бир қисмида Аллоҳ билан холи қолиб, Қуръон тиловати, истиғфор ва тавбага машғул бўлиш.
9. Яхши инсонлар, солиҳ зотлар билан сұхбатда бўлиш ва улардан манфаат олиш.
10. Аллоҳ билан қалбнинг орасига тўсиқ бўлувчи ишлардан йироқ юриш.



3040. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Сирини яшира олган кишининг ихтиёри ўзининг кўлидадир», дедилар.
«Унваанул байан» китобидан.



3041. Муоз ибн Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «Кимки таом еб, сўнгра «Алхамду лиллаҳиллаҳий атъаманий ҳаза ва розаконийхи мин

ғойри ҳавлин минний ва лаа қувва», деса, ўтган гунохлари кечирилади»
«Мендан ҳеч қанча күч-қувват кеткизмай, мана бу ризқ ила таомлантирган
Аллоҳга ҳамд бўлсин»)

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можсалар ривояти.



3042. Бомдод намози иймонни янгилайди, қалбларга ҳаёт баҳш этади, кўнгилни ёритади, нафсни шодликка тўлдиради, Аллоҳ у сабабли тарозуни оғир ва улкан ажрлар беради.

Бомдод намозини жамоатда ўқиганларга олқишлиар бўлсин!



د أحمد عيسى المقصراوي

قال تعالى

﴿ربنا تقبل منا﴾

رفع إبراهيم وإسماعيل القواعد وقاما بعمل عظيم ثم

دعوا الله أن يتقبل منها

تأمل

لا تفرنك أعمالك أدع أن يتقبل منك

3043. «Эсла, Иброҳим билан Исмоил: «Роббимиз, биздан қабул эт!
Албатта, Сен эшитувчи, билувчи Зотсан» деб, Байтнинг пойdevорларини
кўтараар эдилар» (Бақара сураси, 127-оят).

Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Байтуллоҳнинг пойdevорини
кўтараётиб, шу қадар улкан савоб иш қилаётган бўлсалар ҳам, Аллоҳдан ушбу
амални қабул этишни дуо қилиб сўрашмоқда.

Бир ўйлаб кўр!

Сени ҳам солиҳ амалларинг фууруга кетказиб қўймасин!

Фууруга кетиш ўрнига дуо қилиб, амалларинг қабул бўлишини сўра!



3044. Бирор кишига дардингдан шикоят қилсанг, сухбат «Аллоҳ Үзи сенга ёрдам беради», дейиш билан ниҳоя топади.

Келинглар, яхиси, бошиданоқ ёрдам берувчи Зотнинг Үзига шикоят қилиб қўяқол!



3045. Сиз билан овунган кишининг эркалигини кўтаринг. Сизлардан узр сўраган кишининг узрини қабул қилинг.

«Унваанул байан» китобидан.



3046. Тобеъин Абдураҳмон ибн Жубайр роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саккиз йил хизмат қилган бир ходим айтган экан: «У зот овқатланганларида «Бисмиллах» дер эдилар, овқатланиб бўлгач эса «Аллоҳумма! Атъамта ва сақойта, ва ағнайта ва ақнайта, ва ҳадайта ва аҳсанта, фа лакал ҳамду ъалаа маа аътойта» («Аллоҳум, мени едирдинг, ичирдинг, беҳожжат қилдинг, қондирдинг, ҳидоят қилдинг, эҳсон қилдинг, менга берган нарсаларинг учун Сенга ҳамлар бўлсин») дер эдилар.

Насайи ва Ибн Сунний ривояти.



3047. Бироларнинг фазилатини эътироф қилиш пайғамбарларнинг сифатларидандир:

«Биродарим Ҳоруннинг тили мендан кўра бурро» (*Касос сураси*, 34-оят).

Бошқаларнинг фазилатини инкор қилиш шайтоннинг иллатларидандир:

«Шайтон деди: «Мен ундан яхшиман, чунки мени ўтдан яратгансан, уни эса лойдан яратгансан» (*Аъроф сураси*, 12-оят).



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى:

﴿يَوْمَئِذٍ يُصْدَرُ النَّاسُ أَشْتَاتًا لِيُرَوِّا
أَعْمَالَهُمْ﴾

* حتما سسيكون هناك لقاء بينك وبين عملك... فاختر أعملاً يسرك اللقاء بها.

3048. «Ўша кунда одамлар гурух-гурух бўлиб, амалларини кўриш учун жойларидан қўзғалурлар» (*Залзала сураси*, 6-оят).

Амалинг билан учрашишинг мұқаррар. Шундай экан, учрашганда сени хурсанд қиласын амалларни күпроқ қил!



3049.

Курбонлик кунлари яқынлашиб келаётгани муносабати билан
ЭСЛАТМА

Мусулмон биродарим, муслима синглим!

Курбонликка сўйиладиган жониворларни масхаралайдиган сурат, изоҳ, латифа ёки ёзувларни тарқатишдан эҳтиёт бўл. Зоро, курбонлик Аллоҳ таолонинг шиорларидан биридир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримда шундай деган:

«Ана шундай. Ким Аллоҳнинг шиорларини улуғласа, албатта, бу қалбнинг тақвосидандир» (Ҳажс сураси, 32-оят).

Изоҳ: «Шиорлар» деб таржима қилинган сўз оятда «шаъаир» деб келган. У «шаъийра» сўзининг кўплик шакли бўлиб, шиор, нишон, белги, аломат маъноларини билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «шаъаириллоҳ» (Аллоҳнинг шиорлари) дейилса, Аллоҳнинг дини, Ислом шоншавкатининг аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади. Хусусан, ушбу ояти каримада бу сўз тагида қурбонликка сўйиладиган жониворлар кўзда тутилмоқда.



3050. Бир киши Умар ибн Абдулазизга: «Менга насиҳат қилинг», деди. Умар ибн Абдулазиз шундай дедилар: «Солих одамлар билан юриб, улардан манфаат олмасликдан ёки гуноҳкорларни маломат қила туриб, гуноҳлардан четланмасликдан ёки шайтонни лаънатлаб, унга пинҳона итоат қилишдан эҳтиёт бўл!».



3051.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирортангиз таом esa, (Ибн Суннийнинг ривоятида «Аллоҳ кимга бирор луқма едирса ила...» дейилган) «Аллоҳумма, баарик ланаа фийхи ва атъимнаа хойром минху» («Аллоҳим, унга баракот бергин, бундан ҳам яширогини едиргин») десин. Аллоҳ кимни сут ила икром қилса, «Аллоҳумма, баарик ланаа фийхи ва зиднаа минху» («Аллоҳим, унга баракот бергин, бундан ҳам зиёда қилгин») десин, чунки сутдан кўра кифоя бўладиган бирор овқат ёки ичимлик йўқ».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Сунний ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор идишда сув ичаётганларида уч марта тўхтаб, нафас олардилар. Ҳар нафасда Аллоҳга ҳамд айтиб, охирида шукр килардилар.

Ибн Сунний ривоят қилган.



3052. Истиқомат, яъни тўғри йўлда бўлиш – Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларида мустаҳкам туриш ҳамда тулкига ўхшаб ҳийла-найранг қилмасликдир.



3053. Бир киши сени сенда йўқ яхшиликлар билан мақтаётган бўлса, билгинки, у сени сенда йўқ ёмонлик билан ёмонлаши ҳам мумкин!



3054. Қалбга тушган гуноҳ кийимга теекан ёққа ўхшайди. Тезда ювиб ташламасанг, ёйилиб кетади.



3055. Ёлғончи одам аниқ ҳужжат келтириб, тўғри сўзни айтса ҳам, ёлғончи деган номи туфайли **гумонда** қолаверади.

«Унваанул байан» китобидан.



3056. Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отамнинг хузурига келдилар.

Биз у зотнинг олдилариға таом ҳамда сут солинган меш қўйдик. У зот улардан тановул қилдилар. Сўнгра хурмо келтирилди. Ундан ҳам еб, данагини ўрта ва кўрсаткич бармоқлари билан ушлаб, улоқтириб юбордилар. Сўнгра ичимлик келтирилган эди, ундан ҳам ичдилар. Ичиб бўлиб, идишни ўнг томонларига узатдилар. Шунда отам у зот минган уловнинг юганидан ушлаб туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизни дуо қилинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳумма! Баарик лаҳум фий маа розактаҳум вағfirлаҳум, варҳамхум»** («Аллоҳим, уларга берган ризқингга баракот бергин, гуноҳларини кечиргин, раҳм қилгин»).

И мом Муслим ривояти.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Убоданикига ифторликка бордилар. У нон билан ёғ олиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан тановул қилиб, сўнг: **«Афторо ъиндакумус-сооимуун, ва акала тоъаамакумул-аброор, ва соллат ъалайкумул-малааика»** дедилар.

(«Хузурингизда рўзадорлар ифтор қилишди, таомингизни яхшилар еди, фаришталар сизларга дуо қилишди»)

Абу Довуд ривояти.

Абдуллоҳ ибн Зубайдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муозникида ифтор қилиб, **«Афторо ъиндакумус-сооимуун...»** («Уйингизда рўзадорлар ифтор қилди») дедилар.

Ибн Можса ривояти.

Бир киши Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилиб, шундай деди:

«Абул Ҳайсам ибн Тайихон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун таом ҳозирлаб, у зотни ва саҳобаларни чақиртириди. Овқат тановул қилиб бўлингач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Биродарингизни мукофотлаб қўйинглар**», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, мукофотлаш қандай бўлади?» дейишиди. У зот: «**Бир кишининг уйига кириб, таомидан еб, ичимлигидан ичиб, сўнг ҳаққига дуо қилсангиз, ана шу мукофотлаш бўлади**», дедилар.

Абу Довуд ривояти.



3057. Беморлик нима?

Сен bemor бўлиб қолдинг. Демак, Аллоҳ таоло:

- сени яхши кўради;
- гуноҳингни мағфират қиласади;
- даражангни кўтаради;
- сенга яхшиликни хоҳлайди;
- ғафлатдан огоҳ қиласади;
- сенга Ўзининг неъматларини эслатади.

Ушбу ато этилган нарсаларнинг барчаси Ар-Роуф ва Ар-Роҳим сифатли Зотнинг даргоҳидандир.



3058. Шайх Али Тантовий айтадилар:
«Онамни йўқотгач, қалб шодлигидан маҳрум бўлганман. Фурсатни қўлдан кетмай туриб, оналарингиз билан яшаш баҳтидан баҳраманд бўлинглар».



3059. Кўз қалбнинг ойнасидир. Банда кўзини тийса, қалбини шаҳват ва истаклардан тийган бўлади. Агар кўзини (номашрӯй нарсаларга) қаратса, қалбини шаҳватга қўйиб юборган бўлади.



3060. Ҳакимлардан бири деди: «Айтмаганимга пушаймоним бўлишим айтганимга пушаймон бўлишдан енгилроқ».

Бошқа бири айтди: «Айтганимдан кўра айтмаганларимга эгалигим кучлироқ».

«Ўнваанул байан» китобидан.



3061. Машҳур узун ҳадисда Миқдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам (сув ёки сут билан сийланганларида) қўлларини осмонга кўтариб, «Аллоҳумма! Атъим ман атъаманий васқи ман сақооний» («Аллоҳум, мени едирганни Ўзинг едиргин, мени ичирганни Ўзинг ичиргин») дер эдилар».

Имом Муслим ривояти.



د. أحمد عيسى المعصراوى

لو جلست تتذكر إساءة الناس لك،
فلن تصفو مودتك حتى لأقرب الناس إليك،
فغضُّ الطرف ويتغافل عن الزَّلات، واعتمد
النسيان، كي تسعد مع من هم حولك.

3062. Ўтириб олиб, одамларнинг сенга қилган ёмонликларини эслайверсанг, энг яқин одамларинга ҳам меҳринг қолмайди. Яхиси, кўзингни юмгин-да, уларнинг хатоларига бепарво бўл, унутишга харакат қил, шунда атрофингдагилар билан баҳтиёр яшайсан.



3063. Олимлар атом ядросини кашф қилишгач, орадан кўп ўтмай ундан ҳам кичикроқ жисмлар – электрон, протон, нейтронлар борлигини аниqlашди. Сўнгра бу жисмлар янада кичик заралар – кварклардан ташкил топганини, кварклар эса ўз навбатида струнлардан иборатлигини кашф қилишди. Струн ниҳоятда нозик, кичик жисм бўлиб, олимлар уни «string theory» деб номлашган.

Аммо Аллоҳнинг Китобида атом ва струнлардан ҳам кичик нарсаларга ишора қилувчи оятлар бор.

«Еру осмондаги бир зарра мисқоличалик, ундан ҳам кичикроқ ёки каттароқ бирон нарса Роббингиздан махфий бўлмас, албатта очиқ Китобда (яъни Лавҳул-Маҳфузда) мавжуд бўлур» (*Юнус сураси, 61-оят*).

Ушбу оядта Қуръоннинг мўъжизавий хусусияти яна бир бор намоён бўлмоқда. Ушбу оятлар нозил бўлган пайтда ҳеч кимда атом ҳақида бирорта маълумот бўлмаган. Нафақат у даврда, балки яқин ўтмишда, атом илк бор кашф қилинган пайтда ҳам бу ҳақда ҳеч кимда ҳеч қандай билим бўлмаган, ҳамма коинотдаги энг кичик нарса атом эканини билган, холос. Кейинчалик аниқ бўлишича, атомдан ҳам кичик нарсалар бор экан.

Ушбу оядта борлиқдаги энг кичик зарралар дақиқ ифодалар билан зикр қилинган.

Субҳаналлоҳ!!!



3064. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Зулхижжа ойини қўрсангиз, бирингиз қурбонлик қилишни хоҳласа, сочини ва тирноқларини олмай турсин».

Имом Муслим ривояти.

Изоҳ: Қурбонлик сўйишни ният қилган одам Зулхижжа ойи кирган кундан бошлаб то қурбонлик қилингунча соч ва тирноқларини олдирмай туриши керак. Зоро, бу пайтда соч-тирноқ олдириш макруҳдир. Қурбонлик қилганда инсоннинг кўпроқ аъзоси иштирок қилсин, қиёматда Аллоҳ таоло қурбонлик туфайли дўзахдан озод қилганда кўпроқ аъзоси озод бўлсин, деган ният билан Зулхижжа ойининг биринчи ўн кунида соч-тирноқлар олмай турилади.



3065. Гапи ознинг гуноҳлари оз. Шовқини кўпнинг хатоси кўп.
«Ўнваанул байан» китобидан.



3066. Амр ибн Ҳамиқ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сут бердим. Шунда
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳумма، امتيٰخ بيشاباابих**»
«(Аллоҳум, уни ёшлик или неъматлантири»), дедилар».
Амр ибн Ҳамиқ саксонга киргандарида ҳам соchlарида бирорта оки йўқ
эди.

Ибн Сунний ривояти.

السعادة بالقناعة، فمن شغل قلبه بالأخرة
أسعده الله بالقليل، ومن شغل قلبه بالدنيا
كلما امتلأت يده افتقر قلبه.

عبدالعزيز الطريفي

3067. Бахт-саодат қаноатдадир. Кимнинг қалби охират билан машғул бўлса, Аллоҳ уни оз нарса билан ҳам баҳтиёр қиласеради. Кимнинг қалби дунёга машғул бўлса, кўли тўлса ҳам қалби камбағаллигича қолаверади.



3068. Илмий тадқиқотларда тасдиқланишича, Одам алайҳиссаломдан то ҳозирги кунгача дунёга келган ҳар бир инсоннинг бармоқ излари ўзига хос ва бетакрор бўлиб, бирор кишининг бармоқ изига ўхшамайди. Бармоқ излари ажойиб шаклдаги эгри чизиқлардан иборатdir. Кейинчалик бу чизиқлар шахсни аниқлашнинг энг аниқ воситаларидан бирига айланди. Агар бармоқ изидаги ушбу чизиқлар эгри эмас, текис бўлганида, улар ёрдамида жиноят изларини аниқлаб бўлмас эди. Замонамизда кашф қилинган ушбу илмий ҳақиқатга Куръони каримда ўн тўрт аср муқаддам ишора қилинган.

«Ҳа, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз» (Қиёмат сураси, 4-оят).

Субҳаналлоҳ!



د. أحمد عيسى المعصراوى

لأنقل للصلوة عندي عمل قل للعمل عندي
صلوة !!
الصلوة مقرونة بالفلاح فكيف يفلج من
لا يصلى.

الله يثبتنا ويهدينا على طاعته وحسن
عبادته

3069. Намоз вакти кирганды «Хозир менинг ишим бор» дема, балки иш пайтида «Хозир менинг намозим бор», дегин, чунки намоз муваффакиятга бириктирилган. Ахир намоз ўқимай туриб муваффакиятга қандай эришилади?

Аллоҳим, бизни сабитқадам қылғын! Бизни тоатингга ва гүзал ибодатингга чорлагын!



3070. Тилига маңкам одам салтанат әгаси бўлади. Оғзи бўш одам дўйстларини танг ахволга солиб қўяди.

«Унваанул байан» китобидан.



3071. Амр ибн Ахтоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам сув сўрадилар, мен бир ёғоч идишда сув келтирдим. Қарасам, унда сочнинг туки бор экан, олиб ташладим. Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам: «Аллоҳумма, жаммилху» («Аллоҳум, уни гўзал қилгин»), деб дуо қилдилар».

Ровийларнинг айтишича, бу зот тўқсон учга кирганида ҳам соч-соқоли қоп-қора бўлган экан.

Ибн Сунний ривояти.



د أحمد عيسى المعصراوي

صلاة الضحى

قال النبي ﷺ

"لا يحافظ على صلاة الضحى إلا أواب، وهي
صلوة الأوابين"

الأَوَابُ: كثير الرجوع إلى الله

3072. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зухо намози ҳақида: «Зухо намозини фақат аввоблар қоим қиласи, у аввобинлар намозидир», деганлар.

Имом Ҳоким ва ибн Хузайма ривояти.

Зухо (чошгоҳ) намози – аввобинларнинг, яъни Аллоҳга тавба қилиб, У Зотга кўп қайтувчиларнинг намозидир. Зухо намозини ўқисанг, аввобинлардан (сертавбалардан) бўласан. Аввобинлардан бўлсанг, Аллоҳ гуноҳингни кечиради. Зоро, Қуръонда: «У Зот сертавбалар учун сермағфиратдир», деб марҳамат қилинган (*Исро сураси, 25-оят*).

Мен сизларга савоби улкан бўлган зухо (чошгоҳ) намозини эслатаман. Бу намоз икки ракъатдан саккиз ракъатгача бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни икки ракъатдан тўрт марта ўқирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни хеч қачон – ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам тарк қилмас эдилар. Унинг вақти қўёш чиққанидан чамаси 20 дақика ўтганидан сўнг бошланиб, пешин намози вақти киришидан чамаси 15 дақика олдин тугайди. Зухо намози жисминдаги 360 аъзонинг ҳаққига садақадир. Имом Шофеъий зухо намози ҳақида: «Гуноҳларни тарк этишни истаган эдик, уни зухо намозида топдик», деб айтганлар.



3073. Гуноҳ содир қилиб қўйиб, сўнг тавба қилса, унга Аллоҳдан бешта мукофот бор:

1. Аллоҳ унинг тавбасидан хурсанд бўлади.
2. Қиёмат куни унинг айбларини ёпади.
3. Ёмонликларини яхшиликка алмаштиради.
4. Жаннатга тавба қилувчилар дарвозасидан киритади.
5. Қалбига раҳм-шафқат солади.



3074. Гуноҳларнинг энг ёмони ўлган одамни ғийбат қилишдир, чунки ғийбат қилган одам кечирим сўрай деса, сўрай олмайди, ғийбат қилинган одам кечирай деса, кечира олмайди.




3075. Султонининг айбларини кавлаштирган одамнинг ахийри тили кесилади.

«Унваанул байан» китобидан.

قال الإمام ابن القيم رحمه الله :
"إذا أردت أن تستدل على ما في القلب فاستدل عليه بحركة
اللسان ، فإنه يطلع ما في القلب شاء صاحبه أم أبي " .

المصدر / الداء والدواء ص363

3076. Бир кишининг қалбидаги нарсага далил келтиришни хоҳласанг, тилидагисини далил қиласвер, чунки қалбнинг эгаси хоҳлайдими ёки йўқми, барибир дилидаги тилига чиқади.



3077. Бошга қийинчилик ва мусибат тушган пайтда қалб махлукотга боғланиб қолади. Аллоҳ таоло бундай пайтларда нафс ғолиб келмаслиги учун «Ҳасбуналлоҳ ва ниъмал вакил» (Аллоҳнинг Ўзи бизга кифоя қилади, У нақадар ажхажши вакил) дейишни шариатга киритган. Акс ҳолда инсоннинг қалби мусибат пайтида Ҳолиқдан бурилиб, махлукқа боғланиб қолади. Афсуски, ўша махлук унга на ёрдам беради, на бошқара олади.

الْمَالُ يَذْهَبُ حِلْهُ وَحَرَامُهُ

يَوْمًا وَيَبْقَى فِي غَدٍ آثَامُهُ

لَيْسَ النَّقْيُ بِمُتَّقٍ لِإِلَهٖهِ

حَتَّىٰ يَطِيبَ شَرَابُهُ وَطَعَامُهُ

3078. Мол-дунёнинг ҳалоли ҳам, ҳароми ҳам бир кун келиб, йўқолиб кетади. Аммо унинг гунохи қолади. Банда то ечиши ва ичиши покиза бўлмагунча ҳақиқий тақводор бўлмайди.



3079. Инсоннинг юзига шапалоқ тортиб юборилса, асаб толаларидаги 300 ёки 400 га яқин ҳужайра халок бўлар экан. Буни қарангки, инсоннинг боши силанса, мияда янги ҳужайралар дунёга келар экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким етимнинг бошини силаса, унинг учун ҳар бир тук миқдорича савоб бўлади», деб айни ҳакиқатни айтганлар. Зоро, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири «садикул масдуқ»дир.



د احمد عیسیٰ المغرابی

قمة التفاؤل
﴿لاتحزن ان الله معنا﴾

قمة الإيجابية
﴿عسى الله ان يأتيني بهم جميعا﴾


قمة الرضى
﴿ربى انى مسنى الفسر وانت أرحم
الراحمين﴾

3080. Некбинлик (оптимизм), яъни келажакка яхши ният билан, умид билан қарашнинг чўққиси «**Ғамгин бўлма, Аллоҳ биз билан биргадир**» деган оятдир (*Тавба сураси, 40-оят*).

Яхшиликка йўйишнинг чўққиси «Энди чиройли сабр (қиласман). Шоядки Аллоҳ уларни ҳузуримга жамлаб келтирса» деган оятдир (*Юсуф сураси, 83-оят*).*

Розилик мақомининг чўққиси «Менга қаттиқ зарар етди. Сен Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисисан!» деган оятдир (*Анбиё сураси, 83-оят*).

* Яъқуб алайхиссалом бу гапни ўғиллари Юсуф алайхиссаломни йўқотган кунларида айтган эдилар. Йиллар ўтиб, кенжа ўғилларини йўқотган куни ҳам шу гапни айтиб, сўнг Аллоҳ таолонинг марҳаматидан умид узмаганларини билдириб қўйдилар.



3081. Суфён ибн Уяйна шундай дедилар: «Ҳеч бирингиз ўзини муҳтож бўлган нарсасини сўрашдан тўсмасин, чунки Аллоҳ маҳлуқотларнинг энг ёмони бўлмиш иблиснинг дуосини ҳам ижобат қилган».

«Шайтон: «Улар қайта тирилтириладиган кунгача менга муҳлат бер», деди. У Зот: «Сен муҳлат берилганлардан бўлдинг», деди. У: «Мени иғвога учирганинг учун мен ҳам уларни Тўғри йўлингдан тўсиб ўтираман», деди» (*Аъроф сураси, 14-16-оятлар*).




3082. Кўзни номаҳрамларга қарашдан тўсувчи воситалар:


- Аллоҳ кўриб турганини унутмаслик.
- Дуо қилиш.
- Фитна бор жойлардан четда бўлиш.
- Бунинг ҳаромлигини ёдда тутиш.
- Бунинг ёмон оқибатларидан қўрқиш.
- Сабр билан имкон қадар ҳаракат қилиш.
- Нафл ибодатларда бардавом бўлиш.
- Рўза тутиш.
- Уйланиш.
- Намозларни вақтида адо қилиш.



3083. Бишр Хофий шундай дедилар: «(Қиlgан амалини) одамлар билишини истаган одам охират ҳаловатини топа олмайди».



3084. Амалларнинг энг буюги – ота-онага яхшилик қилиш.
Хавфнинг энг буюги – Аллоҳдан кўркиш.
Садақанинг энг буюги – сув тарқатиш.
Ҳикматнинг энг буюги – бефойда нарсаларни тарк қилиш.



3085. Таълим фаровонлиқда зийнат, қийинчиликда бошпанадир.



3086. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Аллоҳ таоло акса урганини яхши кўради, эснашни эса кариҳ кўради.
Бирортангиз акса уриб, «Алҳамдулилаҳ» деса, хар бир эшигтан мусулмон кишига «Йарҳамукаллоҳ», яъни «Аллоҳ сенга раҳм қилсин» дейиш шарт бўлади.

Эснаш шайтондандир. Бирортангиз эснаса, қўлидан келганча уни қайтарсин, чунки шайтон эснаган кишининг устидан кулади».

Имом Бухорий ривояти.

Уламолар шундай дейишган: «Вазннинг енгил бўлиши, кам ва кучсиз таом ейиш акса уришнинг сабабларидандир. Шунинг учун акса мақталган. Бундай қилиш тавсия қилинган ишлардан бўлиб, шаҳватни заифлаштириб, тоатни осонлаштиради. Эснаш эса бунинг аксиdir».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирингиз акса урса, «Алҳамдулилаҳ» десин. Ёнидаги оғайниси ёки дўсти: «Йарҳамукаллоҳ», десин. «Йарҳамукаллоҳ», деган кишига «Йаҳдийкумурлоҳу ва йуслиҳ баалакум» («Аллоҳ сизни ҳидоят қилиб, шаъннингизни ислоҳ этсин») десин».

Имом Бухорий ривояти.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида икки киши акса урди. У зот уларнинг бирига жавоб қайтардилар, иккинчисига жавоб қайтармадилар. Жавоб қайтарилмаган киши: «Фалончининг акса урганига жавоб қайтардингиз, мен акса урсам, жавоб қайтармадингиз», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У «Алҳамдулилаҳ» деди, сен «Алҳамдулилаҳ» демадинг», дедилар.

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар: «**Бирингиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга жавоб қайтаринглар. Ҳамд айтмаса, жавоб қайтарманглар**», дедилар.

И мом Муслим ривояти.

Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам бизни етти нарсага буюриб, етти нарсадан қайтардилар. Буюрганлари қуидагилардир:

1. Касални бориб кўриш;
2. Жанозага қатнашиш;
3. Акса урган кишига жавоб қайтариш;
4. Айтилган (таклиф қилинган) жойга бориши;
5. Саломга алик олиш;
6. Мазлумга ёрдам бериш;
7. Қасамнинг устидан чиқиш».

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар:
«Мусулмоннинг мусулмон зиммасидаги ҳаққи бештадир:

1. Саломга алик олиш;
2. Касални бориб кўриш;
3. Жанозага қатнашиш;
4. Айтилган (таклиф қилинган) жойга бориши;
5. Акса ургангага жавоб қайтариш».

И мом Бухорий ривояти.

Муслимнинг ривоятида эса шундай дейилган:

«Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи олтитадир:

1. Учрашганда салом бериш;
2. Айтилган (таклиф қилинган) жойга бориши;
3. Насиҳат (маслаҳат) сўраса, бериш;
4. Акса уриб ҳамд айтса, «Йархамукаллоҳ» деб жавоб қайтариш;
5. Касал бўлса, бориб кўриш;
6. Жанозада қатнашиш».

И мом Бухорий ва Муслим ривояти.



3087. Қалб ҳақ сўзни қамрай олмаса, тил ҳам ҳақ сўзни айта олмайди.



3088. Шайх Аҳмад Дијодот айтадилар:

«Сизларга «Хайрли тонг» ёки «Хайрли кеч» десам, яхшиликни фақат тонг ва оқшом билан чегаралаб кўйган бўламан. Аммо «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ» (Сизларга тинчлик ҳамда Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин) десам, тонгда ҳам, оқшомда ҳам, тунда ҳам, яъни ҳамма вақт тинчлик ва хотиржамлик бўлишини тилаган бўламан»



3089.

Овозингнинг эмас, сўзингнинг даражаси билан юксалгин.

Ахир гулларни момақалдироқ эмас, ёмғир ўстиради.

Жалолиддин Румий



3090. Дўзах аҳли ухламайди, чунки уларнинг азоби давомийдир.

Жаннат аҳли ҳам ухламайди, чунки улар абадий роҳатда бўлгани учун уйқуга эҳтиёжлари йўқдир!

Аллоҳим! Сендан жаннатни сўраймиз ва дўзахдан паноҳ тилаймиз!



3091. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Ёнимдаги бир киши акса уриб, «Алҳамду лиллаҳ, вассалааму ъалаа Росуулиллаҳ», деди. Мен: «Алҳамду лиллаҳ, вассалааму ъалаа Росуулиллаҳ» дедингми?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам бизни «Алҳамду лиллаҳи ъалаа кулли ҳаал», дейишга буюрганлар-ку», дедим.

И мом Термизий ривояти.

И мом Нававийнинг фикрича, эшитган кишининг «Йарҳамукаллоҳ» ёки «Йарҳамукумуллоҳ» ёки «Роҳимакумуллоҳ», дейиши маҳбубдир. Шундан сўнг акса урган кишининг «Йаҳдийкумуллоҳ ва йуслиҳ баалакум» ёки «Йағфируллоҳу ланаа ва лакум», дейиши ҳам маҳбубдир.

Нофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Ибн Умар розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Бирортангиз акса урса, унга «Йархамукаллоҳ», денглар. У эса «Йархамуналлоҳу ва ийяакум ва йағфируллоҳу ланаа ва лакум» («Аллоҳ бизга ҳам, сизга ҳам раҳм қиласин, бизни ҳам, сизни ҳам мағфират қиласин») денглар».

Имом Молик ривояти.

Фасл: Акса урган одам ҳамд айтмаса, унга жавоб қайтарилилмайди. Буни юқоридаги ҳадисда ўргандик. Ҳамд ва аксага жавоб қайтариш камида ёнидаги шериги эшитадиган даражада бўлиши керак.

Фасл: Акса урган одам «Алҳамдулиллаҳ»дан бошқа лафзни айтса, жавоб қайтарилишига ҳақли эмас.

Солим ибн Убайд ал-Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Шу пайт орамиздан бир киши акса уриб, «Ассалому алайкүм», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзингга ҳам, онангга ҳам салом бўлсин», дедилар, сўнгра «Бирортангиз акса урса, Аллоҳга ҳамд айтсин, ёнидагилар «Йархамукумуллоҳ», десин. Шунда акса урган одам «Йағфируллоҳу ланаа ва лакум» («Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам мағфират қиласин») десин», дедилар».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

Фасл: Акса келган пайтда қўлни, кийимни ёки шунга ўхшашиб нарсаларини оғзига тўсиб, овозини пастлатиш суннатдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам акса урсалар, қўллари ёки кийимларини оғзиларига кўйиб, овозларини пастлатардилар.

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ азза ва жалла эснаганда ва акса урганда овозни баландлатганларни ёмон кўради», дедилар.

Ибн Сунний ривояти.

Умму Саламадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Баланд (овоз ила) эснаш ва қаттиқ акса уриш шайтондандир», дедилар.

Ибн Сунний ривояти.

Фасл: Инсон бир неча марта кетма-кет акса урса, уч мартагача ҳар гал жавоб бериш суннатдир.

Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши акса урган эди, «Йархамукаллоҳ», дедилар. Иккинчи бор акса урган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу киши шамоллаб, тумов бўлиб қолибди», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Абу Довуд ва Термизийларнинг ривоятида бундай:

Салама ибн Акваш айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида бир киши акса урди. Мен ёнларида эдим. У зот: «Йарҳамукаллоҳ», дедилар. Бояги киши иккинчи ва учинчи гал ҳам акса урган эди, «Йарҳамукаллоҳ»ни айтиб, сўнг «Бу киши шамоллаб қолибди», дедилар.

И мом Термизий бу ҳадисни ҳасан, саҳиҳ деганлар.

Убайдуллоҳ ибн Рифоъа розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Акса ургангага уч марта жавоб берилади. Учтадан ошса, хоҳласангиз жавоб қилинг, хоҳламасангиз жавоб қилманг».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирингиз акса урса, ёнида ўтирган одам жавоб қайтарсинг. Учтадан ошса, у шамоллаб қолган бўлади. Учтадан кейин жавоб қайтаришмайди».

Уламолар бу масалада бироз ихтилоф қилишган. Баъзилар иккинчисидан кейин жавоб берилмайди дейишган, аммо учинчи, тўртингисида деганлар ҳам бор. Энг тўғриси учинчисидан кейин жавоб айтмаслиkdir, чунки бу акса эмас, тумов бўлади. «Акса урган одам тумов бўлса, дуо қилиб жавоб қайтаришга бошқалардан кўра ҳақли бўлмайдими?» деган савол туғилиши мумкин. Дарҳакиқат, дуо қилиш маҳбуб амал, лекин тумов бўлган одамга акса ургангага жавобан айтиладиган дуони эмас, балки шифо сўраб дуо қилиш керак. Мусулмон одам биродарига оғият, саломатлик ва шу кабиларни сўраб дуо қиласверса зарари йўқ. Аммо акса ургангага ҳам, bemor одамга ҳам суннатга мувофиқ жавоб берилиши афзалдир».

Фасл: Акса урган одам ҳамд айтмаса, юқорида айтилганидек, жавоб қайтаришмайди. Шунингдек, айтилган ҳамдни эшитмаган одам ҳам жавоб қайтаришади. Агар баъзилар эшитиб, баъзилар эшитишмаган бўлса, эшитганлар жавоб қайтаришади. Билиб қўйиш лозимки, акса уриб ҳамд айтмаган одамга ҳамдни эслатиб қўйиш мустаҳабдир.

Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинади:

Яҳудийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида атайлаб акса уриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Йарҳамукаллоҳ» дейишларига умид қилишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларга: «Йаҳдийкумulloҳу ва йуслиҳ баалакум», дер эдилар.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Абу Яъло ал-Мусилий «Муснад»ларида Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир киши гапираётганда унинг ҳузурида акса урилса, у ҳақдир».

Бу ҳадиснинг санади ишончлидир.

Фасл: Эснагандан имкон қадар уни қайтариш ва қўлинин оғзига қўйиш суннатдир.

Абү Саид Худрий розияллоҳу аңхұдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Бирингиз өснаса, оғзини қўли билан тўссин, бўлмаса шайтон кириб кетади**».

Имом Нававийнинг фикрича, хоҳ намозда, хоҳ намоздан ташқарида бўлсин, эснаганда қўлини оғзига қўйиш маҳбуб амалларданdir. Аммо эснашдан бошқа ҳолатларда намоз ўқиётган кишининг қўлини оғзига қўйиши макруҳdir.



3092. «Роббигфириллй ва ливалидайя» (Роббим, мени ҳам, ота-онамни ҳам мағфират қил) деб кўп айтинглар, чунки бу дуода уч ибодат бор:

1. Дуо қилиш.
2. Ота-онага яхшилик қилиш.
3. Истиғфор айтиш.



3093. Тасаввур қил, чекишининг хукмини билиб қолиб, оғзингдаги сигаретани улоқтириб юбординг. Шу дақиқадан бошлаб танангда қандай ўзгаришлар бўлишини биласанми?

- 8 соатдан кейин танангдаги заҳарловчи газлар чиқиб кетади.
- 5 кундан кейин танангдаги сўнгги никотин ҳам чиқиб кетади.
- 1 ҳафтадан кейин таъм билиш ва хид билиш сезгиларинг яхшиланади.
- 12 ҳафтадан кейин ўпка ўз-ўзинии тозалаш фаолиятини қайтадан тиклайди.
- 3 ойдан кейин ўпканинг иш фалоияти 30 фоиздан кўпроқقا тикланади.
- 1 йилдан кейин юрак хуружи хавфи тенг ярмига, икки баравар камаяди.



3094. Дунёнинг жодуси Ҳорут ва Морутнинг сехридан ҳам кучлидир. Чунки Ҳорут ва Морут эр-хотиннинг орасини бузар эди, дунё эса банда билан Роббининг орасини бузади.



3095. Суфён Саврийга: «Кишининг мол-дунёси бўла туриб ҳам зоҳид бўлиши мумкинми?» дейишди. У зот: «Ҳа, мумкин. Агар балога учраганда сабр қилиб, неъмат берилганда шукрини адо қилса», дедилар.



3096. Маълумки, бир одамни гоҳида ўзининг олдида, гоҳида ўзи йўқлигига чиройли сифатлар ила мақташади. Йўқлигига мақташнинг заари йўқ. Фақат мақтаган одам ёлғон аралаштирмаслиги, шу ёлғон туфайли ўша сифатдан маҳрум бўлмаслиги ҳамда мақталган киши фасодга кетиб, фитналаниб қолмаслиги керак.

Аммо кишини ўзининг олдида, юзига мақташга келсак, бу иш баъзи ҳадисларда маҳбуб дейилган бўлса, баъзиларида ман қилинган. Уламолар бу икки маънодаги ҳадисларини жамлаб, ўрганиб, қуйидаги хulosани айтишган: «Мақталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли киши бўлиб, ўша мақтовдан фитналанмаса ва ғурурга кетмаса, уни мақташ ҳаром ҳам, мақрух ҳам эмас. Аммо мана шу оқибатлардан бирортасининг хавфи бор бўлса, мақташ қаттиқ макрухдир».

Мақташни ман қилувчи ҳадислар

Миқдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Усмон розияллоҳу анхуни мақтаган эди, тиззамни букиб, унинг юзига майда тошларни отиб чанг солдим. Усмон: «Бу нима қилганингиз?» деган эди, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Маддоҳларни кўрсангиз, юзига тупроқ сочинглар», деганларини эшитганман», дедим.

Имом Муслим ривояти.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бир кишини кўкларга кўтариб мақтаётганини эшитиб, «**Уни ҳалок қилдиларинг-ку**» (ёки «**Унинг белини синдириларинг-ку**») дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларида бир киши хақида гапиришди. Шу пайт бир киши унинг яхши сифатларини айтиб, жуда мақтаб юборди. Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча марта: «**Дўстингнинг бўйини синдиридинг-ку**», дедилар. Сўнгра шундай дедилар: «**Бирортангиз бирорни мақташга мажбур бўлиб қолса, «Уни шундай-шундай, деб ўйлайман»**, десин. Агар мен билганимдек, ўша одам ана шу сифатларга эга бўлса, «**Ҳасийбуҳуллоҳ, ва лаа йузаккий ъалаллоҳу аҳада**» (Унинг кифоячиси Аллоҳдир. Аллоҳнинг олдида ҳеч ким айбсиз эмас), десин».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Мақташни мубоҳ қилувчи ҳадислар

Сахих ҳадисларда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуга оид шундай сўзларни айтганлар:

«Иккитамиз бирга бўлсак, учинчимиз Аллоҳ бўлади. Нима деб ўйлайсан?»

«Сен изорингнинг почасини тақаббурлик билан кўтариб юрмайсан»

«Эй Абу Бакр, йиглама! Мен учун дўстликда ва мол фидо қилишда энг ишончли одам Абу Бакрдир. Агар умматимдан бир кишини халил (энг яқин дўст) қилиб олишим керак бўлса, Абу Бакрни халил қилиб олардим»

«Умид қиласанки, жаннатга кирганингда ундаги ҳамма дарвозалардан чақириласан»

«Унга «Кираверар экансиз ва яна жаннатга ҳам кирап экансиз» дегин»

«Эй Уҳуд тоғи, тинчлан, чунки сени устингда Набий, сиддиқ ва икки шаҳид турибди».

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга оид шундай сўзларни айтганлар:

«Жаннатга кириб, бир қасрни қўрдим. «Бу қаср кимники?» десам, «Умарники», дейиши. Унга киргим келди, лекин сенинг рашқчи эканингни эсимга тушиб, кирмадим». Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Отаном сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, сиздан рашқ қиласмидим?» деб, йиғлаб юборган.

«Эй Умар, шайтон сен юрган йўлдан юрмайди. Агар юриб қолса ҳам, бошқа томонга бурилиб кетади».

Шунингдек, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Усмонга айтинглар, кираверсин, унга жаннатга киришининг башоратини беринглар»**, деганлар.

Али розияллоҳу анҳуга **«Сен мендансан, мен сен(инг қавминг)данман»** ҳамда **«Мусо ҳузуридаги Ҳорундек менинг ҳузуримда бўлишга рози бўлмайсанми?»** деганлар.

Билол розияллоҳу анҳуга **«Жаннатда шиппагингнинг овозини эшийтдим»**, деганлар.

Убай ибн Каъбга **«Илм сени баҳтли қилсин, эй Абу Мунзир»**, деганлар.

Абдуллоҳ ибн Саломга **«Сен умрингнинг охиригача Исломдасан»**, деганлар.

Ансорийларга **«Аллоҳ азза ва жалла сизларга қулди»** (ёки **«қилган ишларингиздан ажабланди»**), деганлар.

Яна ансорийларга **«Сизлар одамларнинг энг маҳбубисиз»**, деганлар.

Ашаж Абдулқайсга **«Сенда Аллоҳ ва Унинг Расули яхши қўрадиган икки хислат бор экан: ҳалимлик ва босиқлик»**, деганлар.

Мазкур ҳадислар сахих, машҳурдир. Шунингдек, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларнинг юзига мақтаган ҳадислари жуда кўпdir. Аммо сахоба, тобеъин ва улардан кейинги эргашиладиган уламоларнинг мақтовлари бехад кўпdir.

Абу Ҳомид Фаззолий **«Иҳё»** китобининг **«Закот»** қисмида шундай деганлар:

«Бир кишига садақа берилса, олган одам берган одамнинг ҳолатига қараши керак. Агар берган одам ташаккурни ва садақасининг овоза бўлишини яхши кўрса, олган одам буларни маҳфий қилиши лозим, чунки хаққини адо этиш зулмга ёрдам беришга олиб бормаслиги керак. Садақа берувчининг раҳмат талаб қилиши зулмdir. Агар садақа берган киши ташаккур айтилишини истамаса, олган одам раҳмат айтиши ва берилган садақани овоза қилиши мумкин».


Суфён ас-Саврий: **«Кимки ўз нафсини билса, бирорларнинг мақтови унга зарар қиласмидай»**, дедилар.

Абу Ҳомид Фаззолий мазкурларни зикр қилганларидан кейин қўйидаги сўзларни келтирилар: **«Қалбиға риоя қилган киши бу маъноларнинг нозиклигини мулоҳаза қилиши керак. Чунки бу нозик нарсаларга аҳамият**

бермаса, қилган амалнинг фойдаси оз, қийинчилиги кўп бўлгани учун шайтонга кулги бўлади. Бир масалани ўрганиш бир йиллик нафл ибодатдан афзал деган хикматда мана шу илм назарда тутилган. Бу илм билан бир умрлик ибодат ихё бўлади. Жоҳиллик билан эса бир умрлик ибодат ўлиб, яроқсиз аҳволга келади».



3097. Икрима: «Аллоҳ банданинг амали учун бермаган нарсаларини нияти учун беради, чунки ниятда риё бўлмайди», деган эканлар.



3098. Қалбда муҳаббатнинг жам бўлиши

Бир киши бир солиҳ зотдан: «Қандай қилиб Аллоҳнинг муҳаббати, фарзанд муҳаббати ва аёл муҳаббати бир қалбда жам бўлади?» деб сўрабди. У зот шундай жавоб берибди: «Фарзанд муҳаббати жигарда бўлади, у раҳм-шафқатдир. Аёлга муҳаббат нафсада бўлади, у эҳтирос, шахватдир. Аллоҳнинг муҳаббати эса қалбда бўлади, у иймондир».

تقول إحدى بنات الشيخ عبد الله الفديان رحمه الله
سألت والدي يوماً:
كيف أربي أطفالي في هذا الزمن الصعب؟
فقال لي: التربية بالدعاء والقدوة.

3099. Олимлардан бирининг қизи шундай деган экан:
«Бир куни отамдан: «Бундай мураккаб замонда фарзандларимни қандай тарбия қиласан?» деб сўрадим. Отам: «Тарбияси яхши бўлишини Аллоҳдан сўраб дуо қилиш ҳамда яхши намуна бўлиш орқали», дедилар».

د. عمر خليفة الشايжи

حاج مصرى الجنسية من سقطت عليهم الراقة
في بيت الله الحرام ،
ظل يجمع المال ليرجع وباع كل ما يملك حتى أرضه
التي كان يأكل منها ، فقالوا له :
ماذا تركت لبناتك ؟
قال تركت لهم الله جل وعلا ،
وكان يتمني أن يموت هناك ، وأوصي إن مات
محرماً أن يدفن هناك في الأرضي المقدسة ، فكان
من سقطت عليهم الراقة ،
وتحققت أمنيته ودفن بالأراضي المقدسة ،
وصرف لبناته مبلغ ٢ مليون جنيه ،
نعم صدق مع الله فصدقه الله عزوجل ...

3100. Аллоҳнинг уйи Каъбада мисрлик бир кишининг устига юк кўтаргич мослама ағдарилиб кетди. Мисрлик киши ҳалок бўлди. У киши ҳаж қилиш учун бор мол-мулкини, ҳатто фойда келиб турадиган ерини ҳам сотган экан. Шунда яқинлари: «Қизларингга нима қолдирдинг?» деб сўрашса, «Аллоҳ таолони», деган экан, чунки ўша муборак заминда вафот топишни орзу қилган, ҳажда вафот этса, ана шу муқаддас заминга дафн қилишларини васият қилган экан.

Унинг орзуси амалга ошиб, ўша ерга дафн қилинди. Вафот этган ҳожининг қизларига эса икки миллион фунт миқдорида товон пули тўланди.

У Аллоҳга берган аҳдида содик қолган эди, Аллоҳ ҳам Ўз ваъдасида содик бўлди!



3101. Бир аёлга совчи бўлиб келган киши айтадиган нарсалар ҳақида:

Совчи бўлиб келган одам Аллоҳга ҳамду сано, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиб, сўнгра: «Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳу вахдаху лаа шарийка лаҳ, ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдуху ва росуулуху» деб, сўнг «Қизингизга рағбат қилиб» ёки «Фалончи қизи Фалончини сўраб келдик», дейди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир калом, (баъзи ривоятларда «Қайси бир иш») Аллоҳга ҳамд ила бошланмаса, охири кесикдир» (яъни баракаси оздир), дедилар.

Абу Довуд, Ибн Можса ва бошқалар ривояти.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ташаҳҳуд бўлмаган хутба кесик қўлга ўхшайди», дедилар.

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.



3102. «Ким Аллоҳга иймон келтирса, У Зот унинг қалбини ҳидоятга солур» (Тагобун сураси, 11-оят)

Алқама ушбу оят ҳақида шундай дедилар: «Бу оят кишига етадиган мусибат ҳақицададир. Мусибат етганида буни Аллоҳдан деб, унга таслим ва рози бўлиш ҳидоятдир».



3103. Таълим муассасида биринчи ўринда турадиган шахс ўқитувчидир. Бошқа ходимлар эса, лавозимидан қатъи назар, хоҳ мудир бўлсин, хоҳ масъул шахс бўлсин, ўқитувчига ёрдам берувчи вазифададир. Демак, биз таълим соҳаси юксалишини хоҳласак, ўқитувчининг мавқенини ҳар томонлама юксалтироғимиз даркор. Бирор киши ундан юқори мартабада бўлмаслиги керак, чунки унинг вазифаси таълим муассасидағи энг юқори вазифадир.

Устоз Атоуллоҳ Дужан.



3104. Биласизми?

Дунёдаги энг кўп, энг тез ёйилаётган дин Исломдир. Ғарбда Исломнинг ҳақиқий моҳиятини бузиб кўрсатиш учун қилинган хар қандай хатти-харакат муваффақиятсизликка учрамоқда. Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари Ислом кенг қулоч ёймаслиги учун кечаю кундуз Исломни бузиб кўрсатиш билан машғул. Лекин буларнинг барчаси ажойиб натижа билан якун топмоқда. Ғарбда Исломни янги қабул қилаётганлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Илмий ҳақиқат шуни тасдиқладики, Исломни ёмонотлик қилишга уриниш аксинча унинг кенг қулоч ёйишига хизмат қилмоқда. Чунки Исломни ўрганишга киришган одам аввало Исломнинг адолатини, раҳм-шафқатини, мухабbat ва бағрикенглигини билади. Бу эса Ғарб оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотнинг акси бўлиб чиқади. Шундай бўлгач, улар ҳақиқий Исломни қабул қилишга ошиқадилар.

Қуръони карим ушбу нозик масалани ҳайрон қоларли равишда тасвиirlab беради:

«Улар Аллоҳнинг нурини (Исломни) оғизлари (бехуда гаплари) билан ўчиримоқчи бўладилар. Аллоҳ эса – гарчи коғирлар ёмон кўрса ҳам – Ўз нурини комил қилишни истайди» (Тавба сураси, 32-оят)



3105. Қайтишинг хаққа, интилишинг түғрилікка бўлсин. Чунки ҳак ишончли нарсаларнинг энг кучлиси, тўғрисузлик эса кишига яқин нарсаларнинг энг афзалидир.

«Унваанул байан» китобидан.





3106. Никоҳ битими тузилаётгандан айтиладиган зикрлар
Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожат хутбасини қуидагича ўргатдилар:

«Алҳамду лиллаахи, настаййинуху ва настағфирух, ва наъуузу бихи мин шурури анфусинаа. Ман йаҳдиллаҳу фалаа музилла лаҳ, ва ман йузлил фалаа ҳаадия лаҳ. Ва ашҳаду ан лаа илааҳа иллаллоҳ, ва ашҳаду анна Мұҳаммадан ъабдуху ва росуулух. Йаа айюҳан-наасу! Иттақуу Роббақумуллазий холақокум мин нағсив вахида, ва холақо минхав завжакаа ва басса минхумаа рижаалан касирион ва нисаа-а, ваттақуллоҳаллазий тасаа-алууна бихи вал арҳаама, инналлоҳа каана аълайкүм роқийба. Йаа айюҳаллазийна аамануу, иттақуллоҳа ҳаққо туқоотиҳи валаа тамуутунна илла ва антум муслимун. Йаа айюҳаллазийна аамануу, иттақуллоҳа ва қуулуу қовлан садийда, йуслиҳ лакум аъмаалакум ва йағfir лакум зунуубакум, ва ман йутииъиллаҳа ва росуулаху фақод фааза фавзан ъазийма» («Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ундан ёрдам сўраймиз ва истиғфор айтамиз, нағсимизнинг ёмонлигидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ, У Зот адаштирганни ҳидоят қилувчи йўқ. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман, Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир деб гувоҳлик бераман. Эй инсонлар! Сизларни бир жондан бунёд қилган ва ундан жуфтини яратган ҳамда бу икковидан кўплаб эркагу аёлларни таратган Роббингиздан қўрқинглар! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда исми ўртага солинадиган Аллоҳдан қўрқинглар ва силаи раҳмни узишидан сақланинглар. Аллоҳ устингизда кузатувчи Зотдир. Эй мўминлар! Аллоҳдан ҳаққи рост қўрқиши ила қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлибина вафот этинглар! Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва тўғри сўз сўзланглар, (шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглайди ва гуноҳларингизни магфират қиласи. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қиласа, у улуғ баҳтга эришибди»).

Абу Довуд, Термизий, Насаий ва Ибн Можсалар саҳиҳ санаад ила ривоят қилишиған.

من لم يستطع الوقوف بعرقه،
فليقف عند حدود الله الذي عرقه،
ومن لم يستطع العبيت بمزدلفة،
فليكت عزبه على طاعة الله ليقربه ويرزقه،
ومن لم يقدر على تحرهديه بمسن،
فليذبح هواهه هنا يبلغ به المتن،
ومن لم يستطع الوصول للبيت لأنه منه بعيد،
فليقصد رب البيت فإنه أقرب إليه من جبل الوريد.

- الخطاب بن العياش -

3107. Арафотда туришга қурби етмаганлар Аллоҳнинг ўзи билган чегарасида турсин. Муздалифада тунаб қолишга қурби етмаганлар Аллоҳга яқинлаштирувчи тоат-ибодат ниятида тунасин. Минода қурбонлик сўйишга қурби етмаганлар орзусига етишиш учун ҳавои нафсини бўғизласин. Ўзидан узоқдаги Байтуллоҳга ета олмаганлар Байтуллоҳнинг Роббига етишишни ният қилсин, чунки У Зот унга ўзининг жон томиридан ҳам яқиндир.

Фузайл ибн Иёз



هل تعلم ...
أن هذا ليس قسراً عاديًّا.. إنه بيت ضخم منحوت في جبل !!!
فقد اكتشف العلماء حديثاً وجود حضارات كانت تتحف من
الجبال بيوتاً.. هل تعلم أن القرآن أنها عن هذه البيوت. قال تعالى:
(وَكَانُوا يَنْجُونَ مِنِ الْجَبَالِ بَيْوَنَا آمِينَ) [الحجر: 82] سبحان الله.

KAHEEL7.com

موقع التكثير للإمام العلوي يضع لك

3108. Мана бу суратдаги оддий қаср эмаслигини биласизми? У тоғларни ўйиб ясалган улкан уйдир. Олимлар тоғларни ана шундай ўйиб, уйлар қурган цивилизация бўлганини яқиндагина кашф қилишди.

Аммо ушбу уйлар ҳақида Куръонда хабар берилганини биласизми?

«Улар тоғларни ўйиб, уй ясад, омонликда юрар эдилар» (*Хижр сураси, 82-оят*)

Субҳаналлоҳ!



3109. Жаннат гүё бир келинчак бўлса, унинг маҳри нафсни енгишdir.



3110. Хавфи сени саросимага соладиган, қиличи сени ҳалок қиладиган одам билан тортишма. Қанчадан қанча исбот-далиллар борки, жонга хатардир. Қанчадан қанча фурсат-имкониятлар борки, ғам-ғуссага етаклайди. Саркашлиқдан сақлан, чунки у қалбларни ғорат қиласди, урушларни келтириб чиқаради. Сен учун пушаймонликка элтадиган гапдан кўра тинчлигингни сақлаб турган сукут яхширок.

«Унваанул байан» китобидан.



3111. Ўзинг ҳақингда кўп гапирмай қўяқол. Очик турган китоб ҳам ўкувчини ўзига кўп жалб қиласкермайди.

ابن كثير

عن ابن عباس : كان قوم من الأعراب
يجيئون إلى الموقف ، فيقولون : اللهم
اجعله عام غيث وعام خصب وعام ولاد
حسن . لا يذكرون من أمر الآخرة
شيئا ، فأنزل الله فيهم : (فمن الناس
من يقول ربنا آتنا في الدنيا وما له في
الآخرة من خلاق) وكان يجيء بعدهم
آخرون [من المؤمنين] فيقولون :
(ربنا آتنا في الدنيا حسنة وفي الآخرة
حسنة وقنا عذاب النار) فأنزل الله :
(أولئك لهم نصيب مما كسبوا والله
سريع الحساب) ولهذا مدح من يسأله
للدنيا والآخرى

3112. Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

Бир гуруҳ аъробийлар Арафотдаги туриш жойига келиб, «Аллоҳим! Бу йилни серёмғир, унумдор ва баракот йили қилгин» деб дуо қилишибди, аммо охиратга оид бирор нарсани айтишмабди. Шунда Аллоҳ таоло: «Одамлардан баъзилари: «Баъзи одамлар: «Роббимиз, бизга бу дунёда бергин», дейди, охиратда эса унга насиба йўқдир» оятини нозил қилди.

Улардан кейин бошқалар, яъни мўминлар келиб, «Роббим, бизга бу дунёда ҳам яхшилик бергин, охиратда ҳам яхшилик бергин, бизни дўзах азобидан асрагин», дейишди. Шунда Аллоҳ таоло: **«Баъзилари эса: «Роббимиз, бизга дунёда ҳам яхшилик, охиратда ҳам яхшилик бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин», дейди. Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бордир. Аллоҳ тез ҳисоб қилувчиидир»** оятини нозил қилди (*Бақара сураси, 200-202-оятлар*).

Шунинг учун дунёни ҳам, охиратни ҳам сўраганлар мақталган.



3113. Шайх Абу Язид Бистомий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар:
 «Бир кишига кароматлар берилиб, ҳавода учиб юрганини кўрсангиз ҳам унга алданиб қолманг. Аввал унинг амру маъруф, нахий мункар қилиши, Аллоҳнинг чегараларига риоя қилиши ва шариатнинг ҳақларини адо этишига қаранг».



3114. Оёқ кийимингиз тор бўлса, дунёning кенглигидан не фойда!